БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

№ 155 (646)

8 АВГУСТ ЧОРШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН КУРАШДА СУВЧИЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРАЙЛИК

Яқинда бўлиб ўтган Тошкент область партия комитетининг III пленуми ҳамма кучни олинган социалистик мажбуриятга яраша мўл ҳосил тўплаш учун курашга сафарбар этиш, бунинг учун август ойида ҳам ғўза парваришини сира бўшаштирмай қизғин давом эттириш, ривожланишдан орқада қолаётган ғўзаларни алоҳида парвариш қилиб, олдинги ғўзалар қаторига етказиб олиш вазифасини қўйди. Область партия комитети пленумининг бу кўрсатмасини бажаришда сувдан тўғри ва тежамли фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Чунки, ҳозирги вақтда ҳосилнинг тақдирини сув ва сувчилар ҳал қилади, ғўзаларни тузатадиган ҳам сув, бузадиган ҳам сувдир.

Яқинда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети «Республика колхоз ва совхозларида пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириш ишида сувчиларнинг ролини ошириш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш жорий этилаётганлиги ҳамда чигитни, маккажўхорини, оқжўхорини, сабзавот, картошка ва полиз экинларини квадрат-уялаб ва тўғри бурчак-уялаб экишга кенг миқёсда кўчилаётганлиги муносабати билан колхоз ва совхозларда пахтадан ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун курашда сувчиларнинг роли бениҳоя ошганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ҳақиқатан ҳам сувчи — ҳосилнинг тақдирини ҳал қиладиган марказий фигурадир, пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун катта ҳисса қўшаётган колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришидаги катта кучдир. Сувчига эрта кўкламдан буён тер тўкиб вояга етказилаётган ғўзаларнинг шона ва тугунчаларини сақлаб қолиш, уларни бўлиқ кўсакларга айлантириш, кўсакларнинг салмоқдор бўлиб эрта етилишини таъминлашдек шарафли ва масъулиятли вазифа топширилган.

Ҳар бир литр сувнинг қадрига етиш, ҳамма жойда суғоришни эгатлар орқали бутун сутка давомида сифатли ўтказиш ва сувнинг бекорга нобуд бўлишига йўл қўймаслик сувчининг маҳоратига, виждонига боғлиқдир. Августнинг жазирама иссиқ кунларида сувчи томонидан эгатлар бўйлаб оқизилаётган ҳар бир литр сув ғўзаларнинг барқ уриб ривожланишига, кўсакларнинг янада тўлишишига ва ҳосилнинг тобора ошишига ёрдам беради.

Областимиз колхоз ва совхозларида ўзининг шарафли вазифасини садоқат билан бажараётган, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшаётган юзлаб малакали ва моҳир сувчилар бор. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми яқинда ана шундай сувчилардан 43 кишининг меҳнатини тақдирлаб, уларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлади.

Верхне Волинск районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси Тошпўлат Эгамбердиев 11 йилдан буён сувчилик қилиб, бу соҳада бой тажриба орттирган киши. Тошпўлат ака шу йиллар ичида анчагина шогирдлар ҳам тайёрлади, пахтачиликни ривожлантириш ишига ўз ҳиссасини қўшди. Моҳир сувчи қайси картага қачон сув таралиши лозимлигини ва қайси усулда суғориш фойдали эканлигини яхши ойлади. Тошпўлат ака даставвал эгатларнинг узунлигини 50-80 метр қилиб, қўшимча ўқ-ариқлар олинишига эътибор беради. Бу эгатларга кечаси най усулида жилдиратиб сув қўйилади. Натижада пушталар яхши захлаб, ғўза қониб сув ичади. Шунинг учун ғўзани суғоришга уста, тажрибали, ер-шароитини ва ўсимлик ҳолатини яхши биладиган кишиларни қўйиш ва уларнинг ишларини доимо кузатиб туриш керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети сувчиларнинг ролини ошириш тўғрисида чиқарган қарорида сувчиларни танлаш ва уларга ҳақ тўлаш ишида йўл қўйилган жиддий камчиликларни кўрсатиб берилар. Бу камчиликлар шундан иборатки, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш ишида сувчиларнинг роли камситилмоқда, сувчиларнинг ишига ҳақ тўлаш сувчи меҳнатининг юқори малакасига мос келмайди, бу эса пахтадан ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олиш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ишига жиддий путур етказмоқда. Мавжуд қоидага кўра сувчининг ишига колхоз ва совхозлардаги малакасиз ишларга қараганда кўп вақт оз ҳақ тўланади. Суғориш вақтида иш нормаси кўпинча ошириб юборилади, сувчининг ишини нормалаштириш ва унинг меҳнатига ҳақ тўлаш вақтида фақат суғоришгина эмас, балки участкаларни суғоришга тайёрлаш ҳам киритилади.

Яна бир катта камчилик шундан иборатки, кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари суғоришнинг сифатига тегишли эътибор бермайдилар ва бу ишга етарли миқдорда сувчи ажратмайдилар, кўпинча сувчиликка паст малакали кишилар ажратилади. Айрим жойларда суғориш кечаю-кундуз ўтказилаётгани ҳолда сувчилар тунги ишлари учун сира рағбатлантирилмайди. Кўпгина агрономлар ва гидротехниклар суғоришни тўғри уюштириш масалалари билан жиддий шуғулланмайдилар, сувчиларга инструктаж бериб турмайдилар, улар билан, айниқса ёш сувчилар билан яхлит участкаларда ҳамма ўқ ариқлардан бир йўла сув қўйиш ва суғориш юзасидан амалий машғулот ўтказмайдилар.

Ҳосил тўплаш ва ҳосилни сақлаб қолишнинг ҳозирги ҳал қилувчи пайтларида ғўзани бостириб суғориш ёки бўлмаса ўсимликни қақратиб қўйиш ҳолларига қарши шафқатсиз кураш олиб бориш керак. Бироқ, кўпчилик колхоз, совхоз ва МТСларнинг раҳбарлари, суғориш системасининг ходимлари суғоришни, айниқса тунги суғоришни, сувдан рационал фойдаланишни тўғри ташкил этиш масаласи билан чинакамига шуғулланмаётирлар. Натижада ғўзани суғоришда кўп вақт икки хил хатога — ё тупроқни ҳаддан ташқари намлатиб қўйиш, ёки ўсимликни қақратиб қўйиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Масалан, Чиноз районидаги Сталин номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозларида, Бекобод районидаги Будённий номли, Боёвут районидаги Карл Маркс номли, Янгийўл районидаги Петров номли ва Наврўз номли колхозларда ғўзани яппи қақратиб қўйиш ҳоллари юз берган. Ўрта Чирчиқ районида сувдан фойдаланиш коэффициенти 64 процентни, Қуйи Чирчиқ районида 61 процентни ва Оққўрғон районида 48 процентни ташкил этади. Оққўрғон район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари Усмонов, Иброҳимов ўртоқлар сувдан тўғри ва тежамли фойдаланиш тўғрисида кўп гапирадилар-у, лекин айтган сўзларининг удасидан чиқа олмаётирлар, сувдан тўғри фойдаланишда тартибсизликларга йўл қўймоқдалар.

Ҳозирги вақтда ғўзани ўз вақтида ва сифатли қилиб қондириб суғоришдан, сувнинг ўринсиз, нотўғри исроф қилинишига қарши кескин кураш олиб боришдан ҳам муҳим вазифа йўқ. Кейинги кунларда Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларида сув икки баравар камайиб кетганлиги сабабли бизнинг олдимизда яна қўшимча қийинчиликлар туғилди. Шунинг учун маҳаллий партия, совет ташкилотлари сувдан тўғри ва тежамли фойдаланишда қаттиқ тартиб ўрнатишлари, сувдан фойдаланишни ўз қўлларига олишлари ва мавжуд сув ресурсларидан тўғри, рационал ва самарали фойдаланиш учун сув хўжалиги ходимларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам оширишлари керак.

Сувчиларнинг ишини тўғри ташкил этишда колхоз ва совхозларга ёрдам кўрсатиш, суғорилган ҳар бир участкани қабул қилиб олиб, бунда суғоришнинг сифати ва бир меёрда бўлишига алоҳида эътибор бериш зарур. Сувчилар суғоришни ғўзанинг аҳволини қатъий ҳисобга олган ҳолда табақалаб ўтказишлари керак. Колхозларнинг правлениелари, совхозларнинг директорлари ва агрономлари суғоришнинг сифатини ҳамда сувдан фойдаланишни систематик равишда контроль қилиб боришга мажбурдирлар. Партия ташкилотлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг сувчиларнинг ролини ошириш тўғрисидаги қарорини сувчиларга кенг тушунтиришлари ҳамда шу асосда суғоришни ўз вақтида юқори сифатли ўтказиш ва сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш учун колхозлар, бригада ва звеноларнинг ўртасида социалистик мусобақани кенг миқёсда авж олдириб юборишлари керак.

Сувдан тежаб-тергаб тўғри фойдаланайлик, мўл ҳосил тўплаш учун курашда сувчиларнинг ролини янада оширайлик!

Н. А. БУЛГАНИН БИРМА ИТТИФОҚИНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ МОНГ ОННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Бирма Иттифоқининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Монг Онни 6 августда қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. (ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВ АМЕРИКА СЕНАТОРИ АЛЛЕН ЭЛЛЕНДЕРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев Москвага келган Америка сенатори Аллен Эллендерни 6 августда қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ МУҲИДДИН ЙЎЛДОШЕВИЧ ҚУРБОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Муҳиддин Йўлдошевич Қурбонов Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил, 4 август,
Тошкент шаҳри.

Николаев области сут тайёрлаш ва харид қилиш йиллик планини бажарди

Николаев областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари сут тайёрлаш ва харид қилиш йиллик планини муддатидан илгари — 3 августда бажардилар. Давлатга 160 минг тоннадан кўпроқ, ёки ўтган йили шу вақтдагидан 57 минг тонна кўп сут топширилди ва сотилди. Ёғпишлоқ ва сут-консерва саноати корхоналари ёғ чиқариш юзасидан 7 ойлик планни 148 процент бажардилар. Пландан ташқари 20 минг центнер мол ёғи ва 23 минг центнер сут маҳсулоти ишлаб чиқарилди. (ТАСС).

Қўриқ ерлардаги ҳосилни ўриб-йиғиб олиш учун бормоқдлар

СТАВРАПОЛЬ. 6 август. (ТАСС). Бугун ўлканинг темир йўл станцияларидан комбайнлар ортилган биринчи эшелонлар Шарққа жўнаб кетди. Қўриқ ерлардаги ҳосилни ўриб-йиғиб олишда қатнашиш жаби шарафли ҳуқуқни Томузлов, Чугуев, Петровск МТСларининг ва бошқа баъзи МТСларнинг механизаторлари олдилар. Бу МТСларда ғаллани ўриб-йиғиб олиш ҳаммадан олдин тамомланди.

Ўлканинг 2945 комбайнчиси ўз машиналари билан Чкалов, Новосибирск, Омск, областларига ва қисман Бошқирдистон АССРга бормоқдалар. Бу комбайнчилар бундан аввалги йилларда борган комбайнчилардан анча кўпдир.

* * *

КРАСНОДАР, 6 август. (ТАСС). Шу кунларда Кубань қирларидаги йўллар одатдан ташқари гавжум. Ҳамма томондан темир йўл станцияларига ўзиюрар ва тиркалиб ишлатиладиган комбайнлар колонна-колонна бўлиб келмоқда — шарққа ўрим-йиғим техникаси жўнатилмоқда.

Олтойдаги, Бошқирдистондаги, Чкалов ва Челябинск областларидаги қўриқ ерларга ҳосилни ўриб-йиғиб олиш учун тўрт мингга яқин комбайнчи боради.

Шахтёрлар куни шарафига меҳнат совғалари

ТУЛА, 6 август. (ТАСС). «Тулауголь» комбинатининг кончилари Шахтёрлар кунини 8 ойлик планни муддатидан илгари бажариш билан нишонлашга қарор қилдилар. «Красногвардейскуголь» трестига қарашли 8-Липковская шахтасининг коллективи бу мажбуриятни муваффақиятли бажарди. Шахта коллективи сентябрь ойи ҳисобига биринчи эшелон кўмирни жўнатди.

8-Липковская шахтаси Москва атрофидаги кўмир ҳавзасида энг яхши шахталардан биридир. Бу шахта йил бошидан буён топшириққа қўшимча равишда 36 минг тонна кўмир чиқарди. Илғор коллектив тозалаш ва тайёргарлик ишларида цикллик графикни қўлланиб, 7 ой мобайнида бир суткада ўртача кўмир чиқаришни 300 тонна кўпайтирди, меҳнат унумдорлигини 22,3 процент ошириб. Кўмирнинг таннархини камайтириш ҳисобига 700 минг сўмдан кўпроқ маблағ тежалди.

«Шекинуголь» трестига қарашли 20- ва 22-шахталар ҳам 8 ойлик пландан ташқари кўмир чиқара бошладилар.

Металлургларнинг заводлараро мактаблари

СССР Қора металлургия министрлиги илғор иш тажрибасини ўрганиш, бу тажрибани умумлаштириш ва жорий қилиш билан шуғулланадиган заводлараро мактаблар шохобчасини кенгайтирмоқда. Бундай мактаблар сони ўтган йилдагига нисбатан бир ярим баравардан ҳам зиёд кўпайди. Ўтган ярим йил мобайнида бундай мактабларнинг ишида илғор домначилар, пўлат эритувчилар, прокатчилар, энергетиклар ва бошқа ишчилардан мингдан ортиқ киши қатнашди. Улар мамлакатнинг металлургия корхоналарида техниканинг янги ютуқлари билан танишдилар, ўз иш тажрибаларини сўзлаб бердилар.

Министрликнинг қарорига биноан, мартен печларининг иш тажрибасини ўрганадиган заводлараро мактаб очишга тайёргарлик кўрила бошланди. (ТАСС).

Қўриқ ерлардан ғаллани ташишга тайёргарлик

Тошкент темир йўлида қўриқ ерларда етиштирилган янги ҳосил ғаллани ташишга тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. Ҳозирдаёқ Қозоғистонга ва Сибирга тўрт мингдан ортиқ вагон жўнатилди, бу — ўтган йил шу вақтдагидан икки баравар кўпроқдир.

Бу йил темир йўлчилар ўтган йилдагига қараганда деярлик икки баравар кўп миқдорда ғалла ташишлари керак бўлади. Бунинг учун транспортчилар Ўзбекистон «Заготзерно» базаларининг ходимлари билан биргаликда Урсатьевск, Тошкент, Қўқон ва Андижон йўл бўлимларининг станцияларида янги складлар қурдилар ва мавжуд складларни муддатидан олдин ремонт қилдилар. Юк ортиш-юк туширш ишларида лентали транспортёрлар ва механик кураклар биринчи марта кенг равишда қўлланилади.

Қўриқ ерлардан ғалла ташийдиган поездлар Тошкент йўлида махсус тузилган графикка мувофиқ, пассажир поездларининг тезлиги билан қатнайди. (ЎзТАГ).

Областимизда

ЭКСКАВАТОРЧИЛАР ШАҲАРЧАСИ



Шу кунда Тошкентнинг қаерига борманг, кўркам биноларга, янги қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган кўчаларга кўзингиз тушади. Пойтахтнинг марказ Навоий майдонида республика бўйича биринчи марта лифт қўлланиладиган намунали меҳмонхона, Навоий кўчасида бир қанча муассаса ва уй-жой бинолари қурилаётир. Тўқимачилик комбинати ёнидан бошланиб Тошкентнинг иккинчи чеккасидаги Чиғатой кўчаси билан туташадиган Муқимий номли магистраль кўча қарийб битиб қолди. Шота Руставели кўчаси ёқасида, «Узбексельмаш», «Ташсельмаш» ва «Ташкенткабель» заводлари атрофида, Чилонзор массивида қанчадан-қанча улкан бинолар қурилаётир. Булар тез вақт ичида шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшади.

Лекин пойтахтнинг ҳеч қайси чеккасида экскаватор заводи атрофидагидек кўп бино қурилишини учратиш қийин. Бу ерда бир неча квадрат километр майдонда ўндан ортиқ нуқул кўп қаватлик бинолар тикланмоқда. Буларнинг ҳаммаси экскаватор ҳамда лак-бўёқ заводлари ва шу атрофдаги корхона ҳамда муассасаларнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари учун солинмоқда.

Бу қурилишларни Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 227-УНРнинг ўртоқ Анисимов бошчилигидаги қурилиш участкаси коллективи олиб бораётир. Участка бинокорлари Бутуниттифоқ Бинокорлар куни шарафига ўз ҳаётларини социалистик мусобақани қизитиб, самарали натижаларни қўлга киритаётирлар. Участка бинокорлари қураётган объектлардан энг каттаси 35-уй биноси эди. Меҳнатсевар бетончи ва ғишт терувчиларнинг, машинист ва операторларнинг, суворчи ва бўёқчиларнинг, монтажчи ва бошқа қасб эгаларининг меҳнати туфайли бу бино асосан қуриб битказилди. 52 хонадан иборат 4 қаватли бу уй-жой биносининг биринчи қавати яқинда фойдаланишга топширилди. Бу қаватда катта универсал магазин, озиқ-овқат товарлари магазини, почтахона, ресторан ва бошқа маданий маиший муассасалар бор. Бинони тез ва сифатли битказишда Хабибулла Сулаймонов, Муллажон Содиқов, Мерган Маҳмудов ўртоқлар бошчилигидаги бетончи ва ғишт терувчилар бригадалари зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатдилар.

Шу кунларда бинонинг юқори қаватларида монтаж ва пардозлаш ишлари жадал суръат билан олиб борилмоқда. Суворчи ва монтажчилар қолган ишларни тезда тугатиб, янги ишчилар шаҳарчасининг кўрки бўлган энг катта ва кўркам бинони яқин кунлар ичида меҳнаткашларга фойдаланиш учун топшириш мақсадида ғайратларига ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Суратда: шаҳарчада қуриб битказилаётган 35-уй-жой биносининг олд томонидан кўриниши.

В. Салов фотоси.

ҚЎРҚАМ ҚИШЛОҚ

Бекободдан 21 километр узоқда жойлашган Сретенко қишлоғи йилдан-йилга кўркам ва обод бўлмоқда. Ўтган йили қишлоқда кўпгина янги уй-жой бинолари қурилиб, уларга колхозчилар, қишлоқ ишчилари ва хизматчилари ўз оилалари билан кўчиб кирдилар. Ҳозир яна бир неча янги уй-жой биноси қад кўтармоқда.

Дзержинский номидаги колхознинг ёзги клуби Сирдарёнинг манзарали қирғоғига жойлашган. У доим гавжум. Бу ерда колхозчиларнинг маданий дам олиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча имконият бор. Колхозчилар бўш вақтларида шахмат-шашка ўйнайдилар, газета ва журналлар ўқийдилар. Клубда деярли ҳар куни янги кинофильм намойиш қилинади.

Қишлоқда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш йилдан-йилга яхшиланмоқда. 70 жойга эга бўлган янги касалхона битказилиб, фойдаланишга топширилди. Касалхонага водопровод келтирилган. Касалхона майдонига ўтқазилган дарахт кўчатлари барқ уриб ўсмоқда. Қишлоқни обод қилиш соҳасида касалхона бош врачи М. Рўзиев, колхоз правлениесининг раиси А. Шукуралиев ва колхоз қурилиш бригадасининг бошлиғи Н. Федотов ўртоқлар жонбозлик билан ишламоқдалар. Қишлоғимиз янада обод ва кўркам бўлади.

Н. ОХУНОВ.

ПИЛЛАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛДИЛАР

Чиноз районидаги Ленин номли колхоз пиллачилари бу йил қурт боқиш ишларини ҳар тарафлама уюшқоқлик билан ўтказдилар. Улар давлатга 70 қути ёзги қурт уруғининг ҳар қутисидан 57 килограммдан пилла топшириш мажбуриятини олган эдилар. Яқинда колхоз пиллачилари ўз мажбуриятларини ортиғи билан бажариб, ҳар бир қути қурт уруғидан 75.5 килограммдан пилла терий олдилар. Улар мавжуд имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, яна қўшимча равишда пилла топшириш учун курашмоқдалар.

Х. Хабибуллина, Р. Раҳмонқулова каби ўртоқлар бошлиқ илғор пиллачилик звеноларининг аъзолари ҳар бир қути қурт уруғидан 75-80 килограммдан пилла ҳосили олиб, бошқаларга ўрнак бўлдилар.

М. ХОЛДОРОВ.

ИШЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

«Чирчиксельмаш» заводи бошланғич партия, профсоюз ва комсомол ташкилотлари ишчиларнинг кўнгилли дам олишлари учун яқиндан ғамхўрлик қилмоқдалар. Май ойининг бошларида 360 дан ортиқ ишчи ва хизматчи Бўстонлиқ районининг тоғ этакларидаги санаторий, дам олиш уйи ва курортларга бориб ҳордиқ чиқариб қайтдилар.

Яқинда ишчиларнинг Тошкент шаҳрига экскурсияси уюштирилди. Бу экскурсияга 120 ишчи ва хизматчи қатнашди. Улар Максим Горький номидаги рус драма театрида Д. Граниннинг «Қидирувчилар» спектаклини томоша қилдилар. Шунингдек, Ўзбекистон давлат музейи, ҳайвонот боғи ва бошқа кўнгил очар жойларда бўлдилар.

Шу йилнинг ўзида 500 дан ортиқ ишчи ва хизматчи Тошкентдаги дам олиш уйларида бўлиб, ҳордиқ чиқарди. Кўрилаётган бу тадбирлар ишчи ва хизматчиларнинг соғлом бўлишлари ва унумли меҳнат қилишлари учун катта ёрдам бермоқда.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

БИНОКОРЛАР КУНИ ОЛДИДАН

ДОНГДОР БРИГАДА БОШЛИҚЛАРИ

Георгий ЛУКЬЯНОВ

Республикамиз пойтахтининг меҳнаткашлари билан биргаликда шаҳар қурувчилари ҳам СССР Министрлар Советининг Тошкент шаҳар хўжалигини янада ривожлантириш ва обод қилиш тўғрисидаги қарорини зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Бу қарорда Тошкентни янада ободонлаштиришнинг ғоят катта программаси белгилаб берилгандир. Бинокорларимиз бу тарихий ҳужжатдан руҳланиб, ғайратларига ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Шаҳардаги қурилиш участкаларининг коллективлари ўртасида яқинлашиб келаётган Бутуниттифоқ Бинокорлар кунини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Бу мусобақала янгидан-янги ишлаб чиқариш илғорлари етишиб чиқмоқда. Ғишт терувчилар бригадасининг бошлиғи Георгий Лукьянов ва суворчилар бригадасининг бошлиғи Мели Расулев ўртоқлар ана шулар жумласидандир.

Бу ҳар иккала бригада бошлиғи қурилиш ишларида 25 йилдан бери муттасил ишлаб келмоқдалар. Улар шаҳардаги жуда кўп уй-жой бинолари, мактаб, касалхона ва бошқа маданий-маиший муассасаларнинг бинолари қурилишида актив иштирок этганлар.

Георгий Лукьянов ғишт терувчиларнинг иш унумини оширишга ёрдам берадиган кўпгина янгиликлар яратган. Жумладан, у, бир йўла андава болғача ва кирканинг вазифасини бажарадиган комбинациялаштирилган асбоб ихтиро қилди. Бу асбоб икки томонли бўлиб, бир томони болға, иккинчи томони эса тиғли болтадан иборат. Асбоб ғишт терувчиларнинг иш процессида ортиқча ҳаракатларини қисқартиради. Унинг ёрдами билан ғиштни синдириш, йўниш, қоришмани текислаш ва бошқа операцияларни бажариш мумкин.

Лукьянов ихтиро қилган ана шу асбоб ёрдами билан ишлаётган ғишт терувчилар смена топширигини 170-180 процентга етказиб бажармоқдалар. Новатор ўз методини республикадаги ғишт терувчиларга ўргатиш мақсадида яқинда кўпгина қурилиш ташкилотларида бўлди. У, бевосита иш жойида ўз методини намойиш қилиб кўрсатди. Қурилиш участкаларида бу новаторнинг шогирдлари тобора кўпаймоқда.

Мели Расулев 20 йилдан бери «Средазтрансстрой» тресті 8-қурилиш бошқармасида бригада бошлиғи бўлиб ишламоқда. Қурилишдагилар у раҳбарлик қилаётган бригадани комплекс бригада деб атайдилар. Ҳақиқатан ҳам бригада аъзолари фақат суворқ ишларинигина бажармаслан, балки шу билан бирга ғишт терриш, бетон ётқизиш каби бошқа ишларни ҳам бажара беради. Ишчиларнинг кўп касбни эгаллашлари қисқа муддат ичида бригадани трест бўйича энг илғор коллективга айлантирди. Бригададаги ишчиларнинг кўпчилиги Мели Расулевнинг шогирдларидир. Константин Веселов, Амир Маҳмудов, Бўри Жўраев, Салим Темирхонов ва бошқалар шулар жумласидан.

Мели РАСУЛЕВ

Бригада бошлиғи ишчилар ўртасида меҳнатни рационал ташкил этиш ҳамда мавжуд механизмлардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор беради. Шу сабабли ҳам бригадада ойлик топшириқлар муттасил 180-200 процентга етказиб бажарилмоқда. Ишчилар кўп касбни эгаллаганликлари учун ҳеч вақт бекор туриб қолмайдилар. Қоришма бўлмай қолса, ғишт терадилар, ғишт бўлмай қолса, бетон ётқизадилар ва ҳоказо. Шу сабабли иш суръати сира пасаймайди.

Пойтахтимиз бинокорлари бу ҳар иккала новатор — Георгий Лукьянов ва Мели Расулев билан ҳақли равишда фахрланадилар.

З. ИСҲОҚОВ.

Темир йўл транспортидаги резервлардан унумли фойдаланайлик

КПСС XX съезднинг Директиваларида халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, шу жумладан темир йўл транспортида техникани янада тараққий эттириш учун курашни бутун чоралар билан кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мамлакатимиз темир йўлчилари билан бир қаторда темир йўл Тошкент бўлимининг коллективи ҳам социалистик саноат ва қишлоқ хўжалиги механиткашлари билан биргаликда транспортнинг техника жиҳатидан қолоқлигини тезда тугатиш ва яқин вақт ичида бу соҳани илғор техника асосида реконструкция қилиш учун зўр гайрат билан ишламоқда. Коллектив бу соҳада дастлабки ютуқларни қўлга киритди ҳам. Бўлимда фақат юк ташишда эмас, пассажир поездларини бошқаришда ҳам тепловозлар кенг қўлланилмоқда. Асосан кўмир ташиладиган йўл Қизил Тўқимачи-Оҳангарон участкасида ТЭ-1 ўрнига ундан ҳам анча кучли бўлган ТЭ-2 тепловозини қўлланиш натижасида бу участкада қатнайдиган поездлар оғирлиги ўрта ҳисоб билан 200 тонна ошди. Ариқдан Сирдарёгача бўлган асосий йўлда эса ҳозирги пайтдаги энг қудратли локомотив ТЭ-3 маркали тепловоздан фойдаланилмоқда. Натижада бу йўлда ҳам кўплаб оғир юкли составлар бошқариш ва поездлар тезлигини янада ошириш имконияти туғилди.

Тошкент темир йўлчилари қатор ташкилий-техника тадбирларини амалга ошириш натижасида мавжуд техникадан анча яхши фойдаланмоқдалар. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин. Ўтган йили тепловозларда юк ташиш ишлари учун 19 минг тонна дизель ёқилғиси сарфланган эди. Агар ўтган йилги тепловозларда ташилган юк ФД сериялы паровозларда ташилганида, уларга 190 минг тонна кўмир сарфланган бўлар эди. Тепловозларни қўлланиш натижасида 1955 йилнинг ўзида фақат ёқилғи тежаш орқасида давлатнинг 33 миллион сўмлик маблағи иқтисод қилинди, кўмир ташиб келишни қисқартириш натижасида шу ишда банд бўладиган 9 минг вагон бўшатилди ва уларда бошқа халқ хўжалиги юклари ташиш йўли билан 20 миллион сўм фойда кўрилди. Тепловоз воситаси билан ишлашга ўтиш бўлим техника-иқтисодий кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келди. Масалан, юк ортиш бўйича етти ойлик топшириқ муддатидан анча олдин бажарилди ва қўшимча бирнеча минг вагон юк ташилди. Вагон обороти шу муддат ичида белгиланганидан 1,4 соат тезлаштирилди. Тепловозларнинг суткалик ўртача йўл босиши бўйича берилган йиллик топшириқ қарийб 15 процент ортиғи билан бажарилди. Тепловоз депосининг машинистлари ўтган ярим йил мобайнида кўплаб оғир юкли поездлар бошқариб, уларда нормадан ташқари 1 миллион 200 минг тонна турли халқ хўжалиги юкларини ташидилар.

Ўз-ўзидан маълумки, агар бўлим станция ва деполарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш яхшиланмаганида, илғор машинистлар, тарозибонлар, поезд тузувчилар, стрелкачи, ремонтчи ва бошқа касб эгаларининг илғор иш методлари кенг жорий этилмаганида бундай муваффақиятларга эришиб бўлмас эди, албатта. Тепловозлардан унумли фойдаланишда йил бошидан бери старший машинист коммунист ўртоқ Немудров олдинда келмоқда. У тепловознинг техника тезлигини белгиланганидан 2 километр оширишга, суткалик ўртача йўл босиш тезлигини эса 90 километр кўпайтиришга муваффақ бўлди. Ўртоқ Немудров шу пайтгача 100 га яқин оғир юкли поездларни бошқарди ва уларда қўшимча равишда 30 минг тоннадан кўпроқ юк ташиди ҳамда 8 тонна ёқилғи тежади. Илғор машинистлардан Ефимов, Митюшников, Эрматов ўртоқлар ҳам янги локомотивлардан аъло даражада фойдаланиш намунасини кўрсатаётирлар. Бу машинистларнинг ҳамма кўрсаткичлар бўйича берилган топшириқларни доимо ошириб бажаришга эришаётганликларининг сири шундаки, улар составларни, айниқса оғир юкли поездларни бошқаришда поезд энергиясидан имкони борича тўла фойдаланадилар, двигатель, бош генератор ва тортиш моторларини совутиб туришга катта эътибор берадилар.

Оғир юкли составларни бошқаришга ҳамда поезд тезлигини оширишга диспетчерлар катта ёрдам қилаётирлар. Улар машинистларга ўз участкаларида «яшил йўл» очиб бериш билан станцияларда поездларнинг оз тўхташини ёки бетўхтов ўтишини таъминлаётирлар. Бу соҳада Аҳмедов, Остапец, Кондратьев ўртоқлар каби диспетчерларнинг иши тақдирга сазовордир.

Аҳмедов ва Кондратьев ўртоқлар тепловозларнинг паровозлардан устунлигини ҳисобга олиб, дизелли локомотивларни участканинг охирги пунктларида кўп тўхтатмай, оборот пунктига етиши билан орқасига қайтариш ва олдиндан тайёрлаб қўйилган маршрут бўйича иккинчи рейса чиқариш тўғрисида новаторлик таклифини киритдилар ва буни ўзлари амалда исботлаб кўрсатдилар. Бу янгилик локомотивлар қувватидан янада унумли фойдаланишга, поездлар оборотини янада тезлаштиришга имкон берди. Новаторларнинг бу таклифи ҳозирги пайтда Тошкент темир йўлида кенг жорий қилинаётир.

Дизель локомотив машинистлари поезд диспетчерлари ва станциянинг бошқа хизматчилари билан ҳамкорликда ишлаб бу усулни янада такомиллаштирдилар ва натижада тепловозларнинг суткалик ўртача йўл босишини депо бўйича нормадагидан 20-40 километр оширишга муваффақ бўлдилар.

Автоматика ва телемеханика темир йўл транспортида эндигина жорий этиб келинаётган ва келажакда кенг қўлланиладиган янгиликдир. Ҳозирги пайтда темир йўл линияларининг ўтказиш қобилиятини кескин даражада кучайтирадиган, темир йўлчилар меҳнатини тубдан яхшилайдиган ва ишлаб чиқариш маданиятини янги босқичга кўтаришни таъминлайган автоматик ва телемеханик ускуна ва механизмлар Тошкент темир йўлида ҳам тобора кўпроқ жорий этилмоқда. Бир неча участкалар автоблокировка билан ускуналанди. Маневр қилишда радио алоқасидан фойдаланишга ўтиш яхши натижа бераётир. Тошкент-товар, Салар, Қизил Тўқимачи ва Тошкент-пассажир станцияларида ишлаётган кўпгина локомотивлар радиолаштирилди. Бу тадбир поезд тузувчиларнинг маневр қилувчи диспетчерлар билан алоқасини кескин даражада яхшилади ва поездларни тарқатиш ҳамда тузиш пайтида дуч келиб қолинадиган кўпгина масалаларни тезда ҳал қилишга имкон берди.

Поездларнинг юриш тезлигини ошириш иқтисодий кўрсаткичларни оширишнинг ҳал қилувчи резервидир. Поездлар тезлиги ошса, участкаларнинг ўтказиш қобилияти ҳам ошади, кўпгина локомотив ва вагонлар тежаб қолинади, бинобарин, юк ташиш таннархи камаяди. Бунга эришиш учун стоянкалар камайтирилади, мавжуд эскириб қолган локомотивлар янгилари ва кучлилари билан алмаштирилади.

Тошкент дистанцияси (бошлиғи ўртоқ Рўзиев) коллективи май ойидаёқ қатор участкаларда поездлар тезлигини белгиланганидан 70-80 километргача оширишга эришган эди. Ҳозир бу коллектив ундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Бироқ бу ютуқларга қарамай, дистанцияда йўлни яхши тутиш, ўз вақтида ремонт қилиб туриш ишларига унча эътибор берилмаётир. Дистанцияда йўл ишларини механизациялаштириш яхши уюштирилмаган.

Поездларнинг турли сабабларга кўра графикда белгиланганидан ортиқ юришни, локомотивларнинг йўл устида бузилиб қолишини ва шу каби қатор камчиликларни тугатиш поезд оборотини тезлаштиришга хизмат қиладиган катта резервлардир. Мана шу резервларни ишга солиш барча темир йўлчиларнинг шарафли бурчидир.

КПСС XX съезднинг тарихий қарорларидан илҳомланган Тошкент темир йўлчиларининг қалби шу кунларда темир йўл транспортини ҳар томонлама ривожлантириш учун кўпроқ ҳисса қўниш орзуси билан, 1956 йил планини муддатидан олдин бажариш юзасидан ўз зиммаларига олган оширилган мажбуриятни муваффақиятли равишда бажариш иштиёқи билан тўлиб-тошмоқда.

Л. ГОЛЬДШТЕЙН.

Тошкент темир йўли техника бўлимининг бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Тошкент шаҳридаги «Победа» маданият ва истироҳат паркининг ўқишхонасида Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи томонидан «Одамнинг келиб чиқиши тўғрисида фан» темасида катта стенд ташкил қилган. **Суврада:** паркдаги ўқиш залида китобхонлар стенд материаллари билан танишмоқдалар.

А. Котулев фотоси.

СИРДАРЁ РАЙОНИДА

АГИТМАШИНА КОЛХОЗЛАРДА

Колхозчилар ва механизаторларга маданий хизматни янада яхшилаш мақсадида район маданият бўлими агитбригада ташкил қилди. Бу агитбригада программасида «КПСС XX съезди — бизнинг ҳаёт программамиздир», «Пахта — мамлакатимиз халқ хўжалиги учун қимматли хомашёдир» каби темалардаги лекциялар бор. Шунингдек, агитбригада колхозчи ва механизаторлар учун халқ қўшиқ, рақс ва қийин асосида тузилган программада концертлар бермоқда.

ҲАВАСКОР ШОФЕРЛАР КУРСИ

ДОСААФ комитети ҳузурида ташкил этилган машина ҳаваскорлари тўгарагини яқинда 60 дан ортиқ киши тамомлаб чиқди. Тажрибали ўқитувчи-шоферлар раҳбарлик қилган бу тўгарак аъзоларига учинчи класс шофери деган ҳужжат берилди.

КОЛХОЗДА ҲАВАСКОРЛИК ТЎГАРАГИ

Ильич номли колхоз комсомол ташкилотининг ташаббуси билан бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этилди. Яқинда тўгарак аъзолари колхозчиларга қизиқарли программада концерт бердилар. Концерт программасига киритилган ўзбек, рус, қозоқ халқ қўшиқ ва куйлари томошабинларга манзур бўлди. Шу кунларда колхоз бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари қўшни колхозларга жўнаб кетдилар.

СПОРТЧИЛАР КЕЧАСИ

Яқинда физкультура ва спорт комитети район спортчиларининг кечасини ўтказди. Кечада энг кучли спортчилар ўзларининг спорт маҳоратларини намойиш қилиб кўрсатдилар. Шундан кейин район физкультурачиларининг оммавий чиқишлари бўлди. Кечага юздан ортиқ ёш спортчи иштирок этди.

Ф. АБДУЛЛИН.

Молия министрлигида танқид бўғилмоқда

«АДАШГАН ХАТ» ФЕЛЬЕТОНИ ИЗИДАН

Кейинги вақтларда баъзи бир раҳбар ўртоқлар газета саҳифаларида босилаётган танқидий хабар, мақола ёхуд фельетон, иш қилиб танқид бўлоғидан сув ичган материални ўқигудек бўлсалар зап боплашиб-ти-да, деб тан берадиган, бордию шу материал ўзлари раҳбар бўлиб турган ташкилот ёки ходимлар ҳақида ёзилган бўлса «газетачиларнинг иши-шу-да, текканга тегиб, тегмаганга кесак отишади» деб, бир-бирларининг кўнгилларини кўтариб, юпанадиган бўлишибди.

Ўзбекистон ССР Молия министри ўртоқ Исомиддинов ҳам ўзларининг ўринбосарлари Умархўжаев тўғрисида «Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 24 январь сонида босилган «Адашган хат» фельетонини ўқиганларида ўринбосарларига: «Хафа бўлманг, газетага ёзишаверади» деб тасалли берибдилар. Министрлик партия ташкилотининг секретари ўртоқ Пешков ҳам министрнинг сўзини қўллаб-қувватлабди.

Фельетонда Ўзбекистон ССР Молия министрининг ўринбосари ўртоқ Умархўжаевнинг ўз мансабидан фойдаланиб, совет қонунчилигига хилоф равишда тўртта участка олганлиги, хусуматдан кишиларга налог солдиргани ва бошқа ғайри қонуний ишлар билан шуғуллангани фош қилинган эди. Министрлик партия ташкилоти фельетондаги фактларни аниқлаш учун комиссия тузди. Мирҳўжаев бошлиқ бўлган комиссия енг шимариб, шунчалик ғайрат билан ишга киришиб кетдики, икки ой деганда Умархўжаевнинг ҳаккалак отган нафси туфайли вужудга келган «гаройибот» аранг текшириб бўлинди. Текширишда фельетондаги фактлар тасдиқланди, Умархўжаевнинг олги участкаси борлиги аниқланди. Текшириш натижаси шу йил 31 мартда Молия министрлиги партия ташкилотининг йиғилишида муҳокама қилинди. Қандай? Хўжакўрсин тарзида! Мирҳўжаев текшириш натижалари тўғрисида рост кўча қолиб, паст кўчадан туриб доклад қилди. Партия ташкилотининг секретари Пешков бўлса, комиссиянинг текшириш натижалари тўғрисидаги справкаси ўқиб эшитгирилсин деган таклифга қарши чиқиб, биз партия бюроси мажлисида справкани ўқиб эшитдик, муҳокама қилдик, деб оёғини тираб туриб олди. Йиғилишда раислик қилувчи Смоленков таклифларни овозга қўйишдан бўйин товлади.

Хуллас, ҳимоячи оғайнилар оқни қора, қорани оқ дедилар, ҳақиқатни бўяб, хаспўшлаб, йиғилиш қатнашчиларини чалғитдилар. Натижада йиғилишда Умархўжаевнинг коммунистга хос бўлмаган бу ҳатти-ҳаракатига ўтакетган даражада юзаки, ошна-оғайнигарчилик, юз хотирчилик, лавозим олдида лаганбардорлик қилиш позициясидан қаралди, унга карточкасига ёзмаслиқ шарти билан строгий виговор берилди. Партия ташкилоти фельетонни муҳокама қилишда матбуотдаги танқиднинг таъсирчан бўлиши учун курашиш ўрнига, КПСС Уставига хилоф равишда расмиятчилик, келишувчилик, лаганбардорлик позициясидан туриб иш тутди. Ваҳоланки, КПСС Уставида бундай дейилган:

«Партияда икки хил интизом бўлиши мумкин эмас, яъни раҳбарлар учун алоҳида интизом, оддий аъзолар учун алоҳида интизом бўлиши мумкин эмас. Партияда коммунистларнинг қилган хизматларидан ва бажариб турган вазифаларидан қатъий назар, барча коммунистлар учун бир хилда интизом, бир хилда қонун бор. Партия ва давлат интизомини бузиш партияга зарар етказадиган катта жиноятдир, шу сабабдан, партия ва давлат интизомини бузган кишининг партия сафларида туриши мумкин эмас».

Яқинда Тошкент шаҳар Марказий район партия комитетининг бюроси «Адашган хат» фельетонини текшириш натижалари ҳақидаги масалани муҳокама қилиб, фельетонда келтирилган фактлар тасдиқланганлигини редакцияга маълум қилди. Текширишда Умархўжаевнинг яна иккита, жамъи саккизта (Октябрь районида 6 та, Куйбишев районида 2 та) участкаси борлиги аниқланган.

Район партия комитетининг бюроси министрлик партия ташкилотининг ўртоқ Умархўжаевга учёт карточкасига ёзмаслик шарти билан строгий виговор берилсин, деб чиқарган қарорини бекор қилди ва унга партия аъзосига хос бўлмаган хулқи учун учёт карточкасига ёзиш шарти билан строгий виговор эълон қилди. Партия ташкилотининг секретари ўртоқ Пешковга партия йиғилишида ўртоқ Умархўжаев тўғрисидаги материал муҳокама қилинаётган вақтда фактларни хаспўшлашга уриниб, текшириш натижалари ҳақидаги комиссиянинг справкаси билан коммунистларни тўла таништирмасдан нотўғри йўл тутганлиги кўрсатиб ўтилди.

Бу ерда шуни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, Ўзбекистон ССР Молия министрлигининг раҳбарлари танқидни сира ёқтирмайдилар, раҳбар ўртоқларни танқид қилган коммунистларни қувғин остига олишдан ҳам тортинмайдилар. Министрлик раҳбарлари ўртоқ Умархўжаевнинг ишини текширишда актив иштирок этган ва уни рўй-рост танқид қилган, Умархўжаевнинг иши тўғрисидаги масаланинг министрлик партия ташкилоти йиғилишида юзаки муҳокама этилганлигини юқори ташкилотларга маълум қилган коммунист ўртоқ Вальковни ўз вазифасидан четлаштириш йўлини қидирдилар. Министр ўртоқ Исомиддинов 20 июнда Вальковни ўз ҳузурига чақириб, жуда мулойимлик билан «Тошкент шаҳри бўйича молиявий ишлар чатоқлашиб кетган, шунинг учун сизни шаҳар бўйича старший контролёр-ревизор қилиб тайинлашни лозим топдик», деди ва унинг эътирозига қарамай, ўз вазифасидан бўшатиб, маоши кам, пастроқ вазифага тайинлади. Бу—танқидни бўғишдан бошқа нарса эмас.

Совет тузуми шароитида меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги тобора ошиб, маданий-маиший эҳтиёжи, шу жумладан уй-жойга бўлган талаби ҳам ниҳоятда ўсиб бормоқда. Худди ана шундай шароитда ўз мансабидан фойдаланган Умархўжаевнинг совет қонунини қўпол равишда бузиб 8 участкага эгалик қилиши оғир жиноятдан бошқа нарса эмас. Яқинда партиямизнинг Марказий органи «Правда» газетаси «Матбуотдаги танқидий чиқишларнинг таъсирчанлиги учун курашайлик» деган бошмақоласида бундай деб ёзди:

«Газетанинг чиқишлари ҳақида фикр баён қилинишини ва жавоб берилишини пассив суратда кутиб туриш ярамайди. Танқидга эътибор бермайдиган, танқидни бўғадиган кишиларга қарши танқид ўтини алангалатайлик! Қуруқ жавоб ёзиш ишқибозларига муносиб зарба бериш, расмий жавоб юзасидан мунозара қилиш шубҳали кўринган жавобларни ишчи ва қишлоқ меҳнаткашлари кучлари билан текшириб чиқиш, матбуот орқали эслатиш, танқид тўғрисида индамай ўтувчиларга ошкора сўроқ бериш, фельетон ёзиш, босма сўзни ҳурматлаш тўғрисида бошмақола ёзиш — ана шу воситалар ва бошқа кўпгина воситалардан газета материалларининг чиқишлари таъсирчанлиги учун қурашда фойдаланиш мумкин ва фойдаланиш керак».

Редакция ана шу мақсадда ушбу мақолани босиб чиқарди ва раҳбар партия, совет ташкилотлари Умархўжаевга нисбатан конкрет чора кўрар деб умид қилади.

Маҳсулот таннархи камаймоқда

«Ташсельмаш» заводининг коллективи билан мусобақалашаётган Чирчиқ шаҳридаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Корхона коллективи социалистик қишлоқ хўжалиги учун тобора кўпроқ машиналар етказиб бериш мақсадида астойдил ишлаб, шу йилнинг ярим йиллик топшириғини товар маҳсулоти бўйича 123 процентга етказиб бажарган эди.

Машинасозлар дастлабки муваффақиятларни ишлаб чиқаришда янги ютуқлар билан мустаҳкамлаш учун мавжуд резервлардан тўла ва унумли фойдаланиб ишлади. Натижада 8 ойлик топшириқ ҳам муддатидан анча илгари бажарилди ва қўшимча равишда бир неча юз минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Корхонада ишлаб чиқаришнинг техника даражасини тинмай ошира боришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда янги техника ва прогрессив технология жорий қилинмоқда, ишлаб чиқариш процесслари, даставвал кўп меҳнат талаб этадиган ва оғир иш процесслари механизациялаштирилмоқда. Шунингдек, тайёрланаётган машиналар конструкциясига жиддий ўзгартишлар киритилмоқда. Оммавий равишда тайёрланадиган узел ва деталлар унификация қилинмоқда.

Юқоридаги тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида меҳнат унумдорлиги тинмай ўсмоқда. Кўплаб металл, электр қуввати ва бошқа материаллар тежаб қолинмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида заводдаги ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлиги 1955 йилнинг худди шу даврилагига нисбатан 31 процент ортди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи эса 25 процент камайди.

Чирчиқ машинасозлари корхона техника-иқтисодий кўрсаткичларини янада яхшилаш ва шу асосда олтинчи беш йиллиқнинг биринчи йили — 1956 йил топширигини муддатидан илгари бажариш учун кучга-куч, гайратга-гайрат қўшиб ишламоқдалар.

Меҳнаткашларга кино хизматини ҳар томонлама яхшилайлик

Совет кино санъати ўз реалистик асарларида қаҳрамон халқимизнинг кўп қирали ҳаётини акс эттиради, саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги илғорларининг ижодий меҳнатлари тўғрисида ҳикоя қилади. Кино—идеологик жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг муҳим воситаси сифатида совет кишиларини Ватанга муҳаббат ва коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш ишига жуда катта ёрдам бермоқда. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз кинофильмлар ишлаб чиқариш ва кино хизмати кўрсатиш ишига доимо катта эътибор бериб келмоқдалар. Олтинчи беш йилликдан сўнг ҳар йили камида 120 та тўла метражли фильм ишлаб чиқарилади. Беш йиллик мобайнида киноустановка тахминан 30 процент кўпайтирилади. Шунингдек бу беш йилликда бешинчи беш йилликдагига нисбатан тўрт баробар кўпроқ кинотеатрлар қурилади.

Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг доимий ғамхўрликлари туфайли Тошкент областида ҳам аҳолига кино хизмати кўрсатиш йилдан-йилга яхшиланмоқда. Фақат сўнгги ўн йил мобайнида областдаги давлат кино шоҳобчалари сони қарийб 4 марта, касаба союз ва идораларга қарашли кино шоҳобчалари сони беш баравардан зиёдроқ кўпайди.

Областдаги айрим район маданият бўлимлари партия XX съезди қарорларини амалга ошириш учун курашиб, қишлоқ меҳнаткашларига кино хизматини бир мунча яхшиладилар. Калинин, Ўрта Чирчиқ ва Чиноз район маданият бўлимлари ўтган ярим йилликда плондан ташқари 130 дан 170 тагача киносеанс қўйиб, ўн мингдаб кишига янги фильмларни кўрсатдилар. Бўстонлиқ районида шу муддат ичида 213 киносеанс қўйилиб, қўшимча равишда 45 мингдан ортиқ томошабинга кино кўрсатилди.

Областимизда ўз вазифасига масъулият билан қаровчи аҳолига намунали маданий хизмат кўрсатувчи киномеханиклар сони кўпаймоқда. Улар ўзларининг техниклик вазифаларини бажарибгина қолмай, қишлоқда катта маданий-оқартув ишларини ҳам олиб бормоқдалар. Шу билан бирга улар кино кўрсатиш планларини ошириб бажармоқдалар. Киномеханиклардан Канараш, Салимов, Файзиев, Эргашев, Мячин (Орджоникидзе районы), Константин Ким, Владимир Пак (Қуйи Чирчиқ районы), Соатов, Свиридов, Йўлдошев (Калинин районы), Безруков, Богданов (Чиноз районы) ўртоқлар 1956 йил олти ойлик планни ортиғи билан бажариб, қўшимча равишда 70 тадан кино сеанс кўрсатдилар. Бундай илғор киномеханикларни кўплаб кўрсатиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги фильмларини кенг пропаганда қилишда 1954, 1955 ва 1956 йилларда ўтказилган қишлоқ хўжалиги кинофильмлари фестивали муҳим роль ўйнади. Фестиваллар даврида қишлоқ меҳнаткашлари чигит экиш, ғўзани парвариш қилиш, жўхори экиш, ем-хашак ўриш ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишларига оид фильмларни томоша қилдилар. «Пахта далалари квадратлари», «Шудгорлаш юқори ҳосил гарови», «Яшил квадратлар ҳақида ҳикоя», «Пахтачиликда янгилик», «Сабзавотчилик илғорлари» каби ва бошқа фильмлар уларда зўр қизиқиш уйғотди. Бу фильмлар қишлоқ меҳнаткашларини илғор иш тажрибалари билан таништирди, агротехника билимларини оширишига ёрдам берди. Кўпгина жойларда қишлоқ хўжалиги фильмларини намойиш қилиш фильм темасига оид лекция ва суҳбат ўтказиш билан қўшиб олиб борилди. Лекция ва суҳбатлар ўтказишга қишлоқ хўжалиги мутахассислари, агрономлар, зоотехниклар, механизаторлар, колхоз раислари, район партия комитетларининг МТС зонаси бўйича секретарлари жалб қилинди. Махсус фестиваллар ўтказишдан ташқари жойларда бадиий фильмлар олдидан қишлоқ хўжалигига оид илмий-оммабоп қисқа метражли фильм кўрсатиш ҳам йўлга қўйилмоқда. Ҳозирги пайтда Юқори Чирчиқ, Пискент, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Бекобод, Орджоникидзе, Гулистон ва Чиноз районлари киноустановкаларида бадиий фильмлар олдидан «Ғўзани зараркунандалардан сақлаш» деган қисқа метражли фильм кўрсатилмоқда.

Юқорида кўрсатилган муваффақиятларга қарамай, область меҳнаткашларининг кино кўришга бўлган талаблари тўла қондирилаётир деб бўлмайди. Аввало шуни айтиш керакки, Кинопрокат Ўзбекистон конторасини ва айрим район маданият бўлимларининг раҳбарлари ойлик репертуар планлар тузганларида аҳолининг қандай фильмларни кўришга қизиқаётганлигини кўпинча ҳисобга олмайдилар. Бекобод, Сирдарё ва Гулистон район маданият бўлимларининг мудирлари Мансуров, Соатов ва Офицеров ўртоқлар репертуар планларни тузишдек муҳим ишга бепарволик билан қарамоқдалар. Шунинг учун ҳам бу районларда репертуар планлари аҳоли талабини ҳисобга олмаган ҳолда пала-партиш тузилмоқда.

Кино хизмати кўрсатишни кенг қўламда авж олдириб юборишга махсус биноларнинг бўлмаслиги ҳам ҳалақит бермоқда. Боёвут, Октябрь, Тошкент ва Бўка районларида колхоз, совхоз, МТС ва бошқа ташкилотлар ихтиёридаги кино кўрсатишга ярайдиган биноларни ижарага олиш юзасидан договорлар ҳалигача тузилмаган. Бундай договорларнинг йўқлиги натижасида юқоридаги районларда мавжуд клублар маданий-оқартув ишларида эмас, балки хўжалик эҳтиёжларида фойдаланилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, айрим колхоз ва МТСларнинг раҳбарлари клубларни кино кўрсатиш учун ижарага беришга қаршилик кўрсатмоқдалар. Тошкент районидаги 1-МТС директори ўртоқ Саруҳонова ҳар хил баҳоналар билан клубни ижарага бериш юзасидан договор тузмай МТС ишчилари ва хизматчиларини кинофильмлар кўришдан маҳрум қилиб келмоқда. Пискент, Тошкент ва Бўка районлари маданият бўлимларининг раҳбарлари аҳоли кўп яшайдиган жойларда кино кўрсатиш учун мос жойлар топиш тўғрисида қайғирмаётирлар. Ҳатто шу кунларда бўш бўлган мактаб биноларидан ҳам фойдаланиш тўғрисида ўйлаб кўрмаётирлар. Тошкент районидаги «Интернационал» колхозида ва Бўзсув совхозида шу йилнинг ўтган беш ойи ичида атиги икки марта, «Ёш ленинчи» колхозида эса бир марта кино кўрсатилганлигини нормал бир ҳол деб бўладими, ахир! Агар район маданият бўлими ишга жиддийроқ муносабатда бўлиб, колхозларда кино кўрсатиш учун биноларнинг топиш юзасидан амалий тадбирларни кўрганида эди бундай ҳол рўй бермаган бўлар эди. Қишлоқ меҳнаткашларига бундай қониқарсиз кино хизмати кўрсатиш фактларини областнинг бошқа районларида ҳам учратиш мумкин.

Район маданият бўлимлари кўпинча кўчма киноустановкаларни жойларга юборишда графикини колхозлар правленеси, МТСлар дирекцияси ва партия, комсомол ташкилотлари билан келишган ҳолда тузмайдилар. Натижада мавжуд киноустановкалардан максимал даражада фойдаланиш таъминланмаётир.

Кино хизмати кўрсатишдаги мавжуд камчиликлар кино кўрсатишнинг мунтазам равишда бўлмаслигига, сеансларга томошабинларнинг кам қатнашишларига, кино кўрсатиш планининг тўла бажарилмаслигига олиб келмоқда. Область бўйича 1956 йил олти ойлик плани 92,8 процент, шу жумладан қишлоқ бўйича 86,8 процент қилиб бажарилди. Планнинг бажарилмаслиги туфайли ўтган олти ойда қишлоқда 300 минг томошабинга кино кўрсатилмади. Ишнинг ёмон ташкил қилинганлиги ва киноустановкалар фаолиятини контроль қилиб турмаслик натижасида Тошкент, Боёвут, Бўка, Паркент ва Октябрь районларида олти ойлик план 42-65 процент ўртасида қолди.

Областда кино хизмати кўрсатишнинг талабга тўла жавоб берадиган даражада эмаслигига область ижроия комитетининг Маданият бошқармаси ва ҳаммадан аввал кинолаштириш бўлимининг раҳбари ўртоқ Анваров айблидир. Кинолаштириш бўлими кино шоҳобчалари ишига етарли раҳбарлик қилмаётир. Илғор киномеханиклар ва кинотеатрларнинг иш тажрибаларини область кино ходимлари ўртасида кенг ёйиш ва доимо орқада қолиб келаётган киноустановкаларга амалий ёрдам бериш юзасидан ҳеч қандай тадбир амалга оширилмади.

Маданият ходимлари касаба союзи район комитетлари айрим киномеханикларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қарашларига йўл қўйиб келмоқдалар. Касаба союз район комитетлари киномеханиклар орасида аъзолик взносларини йиғишдан бошқа ҳеч қандай иш олиб бормаётирлар. Кино кўрсатиш сифатини яхшилаш ва планни бажариш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва энг яхши киномеханиклар иш тажрибасини оммалаштириш каби ишларга раҳбарлик қилиш масалалари эътибордан четда қолмоқда. Шунингдек районлардаги киномеханиклар орасида социалистик мусобақа яхши ташкил қилинмаган. Область Маданият бошқармаси ва область комсомол комитетининг «Энг яхши қишлоқ кино ташкилотчисига» деган қизил вимпели район маданият бўлим мудирларининг шкафида қулфланиб ётибди. Ваҳоланки бу вимпеллар социалистик мусобақада голиб чиққан энг яхши киноустановкада ҳилпираб туриши керак эди.

Областдаги ҳамма кино шоҳобчаларининг иши Кинопрокат Ўзбекистон конторасининг чамбар-час боғлиқлиги. Ўртоқ Фарсиянц раҳбарлик қилаётган кинопрокат ишидаги жиддий камчиликлар ҳам кино кўрсатиш ишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Репертуар планида кўрсатилган фильм ўрнига жойларга бошқа номдаги фильмларни юбориш каби ярамас ҳолга ҳали ҳам барҳам берилгани йўқ. Масалан, репертуар плани бўйича Оққўрғон район кинотеатрида 29-30 июнь кунларида «Юдит Бендичнинг жинояти» фильми кўрсатилади деб эълон қилинди. Аммо ўз ишлари устида масъулиятни ҳис этмайдиган кинопрокат ходимлари ўша куни кинотеатрга «Яна» фильмини юбордилар. Бундан ташқари кинопрокат томонидан жойларга кинолентaларни юбораётганда бошқа-бошқа фильмларнинг айрим қисмларини бир-бирига аралаштириб юбориш ёки жойларга бутунлай кинофильмни юбормай қўйиш ҳоллари ҳам учраб туради. Оҳангарон районига кинопрокат томонидан «Сибирь ерлари ҳақида қисса» фильми белгиланган вақтда юборилмаганлиги туфайли иккита киноустановка февраль ойида тўрт кун ишламай бекор турди. Шу йил 25 майда Паркент районидаги кўчма киноустановкага «Бой ила хизматчи» кинофильмининг 9 қисми ўрнига 6 қисми юборилди, Бекобод районига эса юборилган «Қочқинлар» фильми техника камчилиги бўлганлиги учун намойиш қилиб бўлмади. СССР Маданият министрлигининг буйруғи билан Кинопрокатга киноустановкаларни реклама материаллари билан таъминлаш вазифаси юклатилган. Бу вазифа ҳам ниҳоятда қониқарсиз бажарилмоқда. Кинопрокат раҳбарлари ҳар хил бўлмағур баҳоналарга ёпишиб олиб область кино шоҳобчаларини қарийб беш ойдан бери реклама материаллари билан таъминламай келмоқдалар. Ўз-ўзидан маълумки, кўрсатиладиган фильм рекламалар орқали кенг пропаганда қилинмаса кинога томошабинни кенг жалб қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва унинг кинолаштириш бош бошқармаси (раҳбари ўртоқ Содиқов) ҳам кино шоҳобчаларига раҳбарликни ҳар тарафлама яхшилаши лозим. Бошқарма область кинолаштириш бўлимларининг талабларига қулоқ солмайди, уларнинг эҳтиёжларини тўла қондирмайди, ишда амалий ёрдам кўрсатмайди. Кинолаштириш бош бошқармаси бир неча йиллардан бери областдаги кинотеатрларни зарур миқдордаги ўринлар билан таъминламай келмоқда. Чирчиқ шаҳридаги айрим кинотеатрлар зарур ўринларнинг йўқлиги натижасида қишки кинотеатрларда қундузлари болалар учун, кечқурунлари эса катталар учун фильмлар кўрсатишни йўлга қўя олмаётирлар. Шу йил май ойида бошқарма область маданият бошқармасига олти ўринли 50 дона скамейка берди. Аммо скамейкаларни қабул қилиб олиш вақтида уларнинг рейкалари чириган ёғочдан қилинганлиги маълум бўлиб қолди, скамейкалар брак қилинди. Мазкур скамейкаларнинг браклиги бошқармага ҳам, «Узглавкультснабсбит»га ҳам маълум бўлган. Аммо улар буни ўз вақтида олдини олмай кўз бўямачилик қилмоқчи бўлганлар.

Республика Маданият министрлиги шаҳарлар ва район марказларида кинотеатрлар қуриш ишига ҳам совуққонлик билан қарамоқда. Область Маданият бошқармаси 1956 -1957 йиллар мобайнида шаҳарлар ва район марказларида Давлат банки томонидан бериладиган ссуда ҳисобига бир қанча типовой ёзги кинотеатр қуриш имкониятига эга. Аммо Маданият министрлиги май ойидан бери проект—смета документларини тайёрлаб бермаётир.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, область меҳнаткашларига кино хизмати кўрсатишни ҳар томонлама яхшилаш учун ҳамма имконият бор. Бунинг учун область маданият бошқармаси, район маданият бўлимлари, Кинопрокат Ўзбекистон конторасси, республика кинолаштириш бош бошқармаси ва Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ишдаги мавжуд камчиликларни тезликда тугатиш юзасидан амалий чораларни кўришлари зарур.

Н. ҚИРҒИЗБОЕВ,

Область маданият бошқармасининг бошлиғи.

Бир томчи сувнинг ҳам нобуд бўлишига йўл қўймай, ғўзаларни кеча-кундуз қондириб суғорайлик!

☆

Сувчилик — севган касбим

Ўтган йилларда табелчи бўлиб ишлаган эдим. Шу йилнинг бошидан сувчи бўлиб ишлай бошладим.

Бизнинг бригадамиз аъзолари 62 гектар майдонлаги ғўзаларнинг ҳаммасини икки томонлама парвариш қилишаяпти. Янги усулни кенг қўлланиш сувчидан ҳам ўз ишига масъулият ва муҳаббат талаб қилади. Мен бу масъулиятни сезган ҳолда ғўзаларни қондириб суғоришга бутун куч-қувватимни сарфламоқдаман. Ғўзани кечаси ва кундузи суғормоқдаман. Эгатга фақат пай орқали жилдиратиб сув тарайман. Ҳар бир эгатга қўйилган сувнинг бир меёрда оқишини доим назорат қилиб тураман. Сув шунақа, ҳамма вақт унинг жиловидан ушлаб юриш керак, агар уни бироз бўлса ҳам бўшатсанг, ҳаддидан ошади, қулоқларни бузиб юборади.

Айниқса шу кунларда ғўзанинг отаси ҳам, онаси ҳам сув. Ғўзаларни об-тобида қондириб суғориб турилмаса, ёз бўйи қилинган меҳнатнинг қадри йўқолади, тўпланган ҳосилимизнинг мазаси қочади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз қарорларида сувчиларнинг роли ва уларнинг қадр-қимматини ҳаммага равшан қилиб кўрсатдилар, уларнинг иш шароитини яхшилаш масаласини ўртага қўйдилар. Бу қарор биз сувчиларни янада зўр ғайрат билан меҳнат қилишга, ўз вазифамизга янада масъулият билан қарашга чақиради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми мени Фахрий ёрлиқ билан мукофотлади. Мен янги ва шарафли касбга чиндан муҳаббат қўйиш тўғрисида ана шундай мукофотни олишга сазовор бўлдим.

Мен уста сувчилар тажрибасини янада кўпроқ ўрганаман, ўз устимда қунт билан ишлаб, пахтачиликдаги ана шу шарафли касбнинг муносиб эгаси бўлишга ҳаракат қиламан.

М. МАДАМИНОВ.

Октябрь районидаги Маленков номли колхознинг сувчиси.

Ҳосилни оширишда сувчининг роли катта

75 гектар пахта майдонимиз бор. Бригадамиз аъзолари шу ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганларида мен ҳам сувчи сифатида ўз вазифамни шараф билан бажаришга аҳд қилган эдим.

Дастлаб ҳар бир картадаги ғўзанинг сувга бўлган талаб ва эҳтиёжларини чуқур ўрганиш учун қурашдим. Картаҳарга сув жилдираб оқизилмаса, ғўза қониб сув ичолмайди. Мен эгатларга сув таранда доимо шу қоидага амал қилмоқдаман, ғўзаларни юқори агротехника қоидалари асосида кечаси суғораман. Кун бўйи қуёш иссиғидан бақраманд бўлган ғўза кечаси қониб сув ичгандан кейин яшнаб кетади.

Мен ҳозирги вақтда ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик учун курашмоқдаман.

Ҳозир барча майдонлари ғўзамиз 4 марта комплекс парваришдан чиқарилди, ҳар бир туп ғўзада 9-10 тадан кўсак бор. Бригадамизнинг аъзолари қатори мен ҳам бу дастлабки ютуқлан хурсанд бўлмоқдаман. Шу билан бирга, ишни сира ҳам бўшаштирмаслик учун курашаётирман.

Мени Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Фахрий ёрлиқ билан мукофотлади. Бу юксак мукофотга жавобан август ойи ичида ҳам ғўзаларни сифатли суғораман. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг биз сувчилар ҳақида чиқарган қарорига амалий иш билан жавоб бераман.

Қ. ТУЛАГАНОВ.

Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг сувчиси.

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхозда Аҳмаджон Асрақуловни каттадан-кичик яхши билади. У, ғўзаларни қондириб суғоришда катта тажрибага эга. **Суратда:** звено бошлиғи, илғор сувчи **Аҳмаджон Асрақулов** каторларга сув тарамоқда.

А. Ким фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Раис ҳақиқий аҳволдан хабардор эмас

Раис «сувчилари анча тажрибали деҳқонлардан» деб таърифлаган ўртоқ Абдулла Каримов бошлиқ бригаданинг пахта майдонида бўлганимизда сув исрофгарчилигига йўл қўйилаётганлигини кўриб ачиндик.

Рўбарўмиздаги катта картага уч кун илгари сув таралган экан. Икки-уч эгатдаги ғўза сувдан эзилиб, сарғаябошлабди, икки-уч эгатда эса бир қатра ҳам сув йўқ, ғўза гул ва ҳатто кўсакларини тўкиб юборяпти, бутун бир картанинг ҳамма ерида аҳвол мана шунақа. Бу ерда сувни назорат қилиб турувчи ҳеч кимса кўзга ташланмайди: на «тажрибали сувчию» ва на бригадир!

Раис ўртоқ Раҳимберди Холиқулов изоҳ бера бошлади: «бетоб бўлгани учун сувчи кечадан бери ишга келмапти, бугун ўрнига одам тайинланган экан, бригадир ишт теришга юборибди...».

1- бригадада ғўзаларни ёппасига бостириб суғориш ҳоллари юз бермоқда. Колхозга ортиқча сув берилаётган бўлса керак, ғўзага таралган сув пушталарга, кўчага тошиб ётибди. Шундай экан, ўртоқ Холиқуловнинг «бир қатра сувни ҳам нобуд қилмасликка қарор қилганмиз» деган сўзига ишонса бўладими?!

Биз «сув тақчислик қилаётган» 12-13-14- бригадаларда бўлдик. Чиндан ҳам 150 гектардан ортиқ ердаги ғўза сувсираб, сўлиб бошлаган, раснинг ўз сўзи билан айтганда «қуйиб кетган», бор ҳосилни тўкиб юборяпти. Бу ерда сувчилар ўртасида меҳнат қандай ташкил этилган? Ҳаракат қилинса, талабчанлик ва контроллик кучайтирилса, сувчилар сони кўпайтирилса, уларга қулай иш шароити яратиб берилса, ишни тартибга келтириш мумкин. Лекин колхоз раҳбарлари худди мана шуларга эътибор беришмаяпти, улар «сув йўқ» деган баҳонани дастак қилиб олиб, сувчиларнинг фикрини ҳам чалғитишяпти.

Ўртоқ Карим Абдувалиев бошлиқ бригадада ҳам сув ўз ҳолига ташлаб қўйилган: бир эгат сувга сероб, иккинчиси сув сўрайди, айрим жойларда эса ғўзага таралган сув томорқага буриб юборилган.

Бригадаларда тунги сменага алоҳида сувчилар ажратилган эмас.

— Тунги сменага сувчи қўйсак, — дейди бригадир Карим Абдувалиев, — кундузгилар жанжал қилишади, «сувни биз тарайміз-у, меҳнат кунининг ярмини улар олишадими?», дейишади улар.

Мана шу фактнинг ўзи колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти раҳбарларининг сувчиларга ҳақ тўлашни тартибга солмаганликларини, уларни ишга рағбатлантириш чораларини кўрмаганликларини кўрсатади.

Йўл қўйилаётган ана шундай нуқсонлар туфайли илгари моҳир сувчилари билан донг таратган Янгийўл районидаги Молотов номли колхозда июль ойида тақсимланган сувдан 55,5 процент фойдаланилган, холос. Августнинг биринчи беш кунлигида эса 250 гектар ўрнига 120 гектар ердаги ғўза суғорилган.

Колхоз раҳбарлари сувчиларнинг унумли меҳнат қилишлари, сув исрофгарчилигига йўл қўймай, ғўзаларни қондириб суғоришлари учун барча шароитларни яратиб беришлари, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шу ҳақдаги қарорига амал қилиб, сувчилар ишини ташкил қилиш ва уларга ҳақ тўлашда қатъий тартиб ўрнатишлари керак.

У. ЖОНГИТОВ,

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

КОЛХОЗ РАИСИ: — Ҳайронман сувчиларимизга, кўчага тошиб ётган мана шу сувни чанқоқ ғўзаларга қўйишса бўлмасмикин, шуни ҳам ўргатишим керакми?

К. Чернишев чизган расм.

ПАХТАЗОР ОҚШОМИ

Тандирдай қизғин кундузнинг дами
Пасайди қуёш тиз чўккан чоғда.
Хол ташлаб ўйнар шуъла олами
Дарахт учида—шоху-япроқда.
Қушлар жой излар,
уфқ кўринмас.
Қуёш мудрайди, ёз туни оппоқ,
Води ясаниб тинч олар нафас,
Сўлим боғларда мизғийди қишлоқ.
Эгат оралаб ўтди пахтакор.
Кетмон тиғида ой ёқди чироқ.
Атрофда сочдай бўлиниб анҳор,
Қўшиқлар куйлаб оқди ялтироқ.
Шилдирар жўяк, кўчатлар қувноқ,
Ташна танлари яйрайди тунда.
Пахтазор гулшан,
гуллари оппоқ.
Рангдор шонаси атлас йўсунда.
Деҳқон одимлар жўяклар бўйлаб,
Ҳар бир кўчатга кўз ташлаб ўтар.
Шилдирар жўяк қўшиқлар куйлаб,
Яшил водига роҳат бахш этар.
Сувчи сув тараб айланар ерни,
Води ҳосили чулғар ўйларин.
Зўр бахтдир тўкиб манглайдан терни
Кўрмоқ Ватаннинг ҳосил тўйларин.
Турнадай қатор ўтганда карвон,
Карвонда яшнаб турганда алвон,
Карнай овози бонг урган замон.
Дилларни қучар шодлик, ҳаяжон.
Эпли ясатиб шон қучган пахта,
Сувчи қалбини тўлқинлатади,
У бўлса тунда—эл ухлар вақтда
Пахтазорларни ёлқинлатади.
Ҳар бир қулоққа кўз-қулоқ бўлиб
Сувни тарайди эгатлараро.
Ерни айланар, жўяклар тўлиб,
Халқоб бўлмасин, дейди, мабодо.
Ҳар бир нарсанинг ўз меёри бор,
Ортиқча сувдан нафас бўғилар.
Ҳар кўчат кутар яхши эътибор,
Лойиқ ризқ билан ҳосил йиғилар.
Шунинг-чун сувчи тинмай кечаси
Пахтазорларни кезиб юради,
Шунинг-чун тунлар қамиш найчаси
Жўяклар аро сувни буради.
Сувчи қадрдон ерлардан ўтар,
Хизмати синган ерга неча бор.
Ҳосил умрига кўз-қулоқ тутар,
Кўзи ўнгидан кетмайди анҳор.
Пахтазорлардан сув оқар равон,
Сувнинг қудратин ўйлар пахтакор.
Сувдан гуркираб экинзор майдон
Қуёш нурларин қучади наҳор.
Тоғдан нур оқар ёйилиб порлоқ,
Қулоқни бойлар сувчи-миришкор,
Мизғийди сувчи шийпонда шу чоқ,
Нурга ювиниб яшнар пахтазор.

НАЗАРМАТ.

ЧОРВА МОЛЛАРИ УЧУН МУЛ-КУЛ ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАЙЛИК

Силос бостириш қониқарсиз бормоқда

Паркент районининг кўпгина колхозларида ўтган йили ем-хашак тайёрлаш ва силос бостириш плани бажарилмаган, натижада қиш даврида чорва молларини боқишда катта қийинчиликлар рўй берган эди. Афсуски, бу йил ҳам район колхозларида ем-хашак тайёрлаш, силос бостириш ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда.

Райондаги «Коммуна» колхозида ем-хашак тайёрлаш, силос бостиришни ташкил қилишга аллақачон киришилган эди. Лекин ана шу колхоз билан ери-ерига туташ, шароити, имкониятлари бир хил бўлган Калинин номли, Сталин номли, Молотов номли колхозларда эса аҳвол бутунлай бошқача. Бу колхозларнинг раҳбарлари ем-хашак тайёрлаш, силос бостириш ишига етарли эътибор бермаётирлар. Шунинг учун ҳам маккажўхорилар қаровсиз ҳолда ётибди, табиий пичанзорлардаги ўтлар қовжираб нобуд бўлиб кетмоқда. Охунбобоев номли колхознинг 15 гектар майдонидаги маккажўхори сувсизликдан ўсишдан қолган. Энгельс номли колхозда 16 гектар ердаги маккажўхори парвариши асоссиз равишда вақтидан илгари тўхтатиб қўйилган. Район бўйича ҳаммаси бўлиб, 130 гектар ердаги маккажўхори парваришсиз қолиб кетмоқда.

Район МТСининг директори ўртоқ Козмадиади силос бостириш ишининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини кўра-билатуриб, камчиликларни дарҳол йўқотиш тўғрисида бош қотирмаётир. Район колхозларида силос траншеяларини тайёрлаш, ремонт қилиш ишлари қай аҳволдалиги ҳалигача текширилмаган.

Маккажўхорини суғориш ҳозирги пайтда энг муҳим вазифа эканлигини район сув хўжалик бўлими мудири ўртоқ Соенко яхши билади. Лекин унинг айби билан кўпгина колхозларда сув исрофгарчилигига йўл қўйилмоқда.

Район партия комитети ва район ижроия комитетининг раҳбарлари силос бостириш соҳасида йўл қўйилаётган бу жиддий камчиликларни тезда бартараф қилиш учун зарур чора ва тадбирларни кўришлари лозим. Акс ҳолда ем-хашак тайёрлаш ва силос бостириш плани ўтган йилдаги сингари бажарилмасдан қолиши турган гап.

Ю. БАҲОДИРОВ.

Ем-хашак тайёрлаш ишлари кечиктирилмасин

Пискент районидаги Хрушчев номли колхозда жамоат чорвачилиги йилдан-йилга ривожланмоқда. Ҳозир колхознинг 114 бош оти, 174 бош қорамоли бор. Колхознинг қўйи, эчкиси, чўчқаси 962 бошга етди. Бу йил колхозда қўзилатиш кампанияси ҳам анча дуруст ўтказилди.

Бирок чорвачилик соҳасида эришилаётган бу ғалиб ютуқлар, колхоз раҳбарларини (раиси Абдиқулов, партия ташкилотининг секретари Э. Ҳайитов ўртоқлар) эсанкиратиб қўйган. Улар бу йилги чорва моллари қишловига етарли миқдорда ем-хашак тайёрлаб қўйиш учун ҳозирдан бошлаб ҳаракат қилмаётирлар.

Бу йил колхознинг 110 гектар ерига беда экилиб, ҳар гектардан 55 центнердан ҳосил олиш планлаштирилган. Аммо, беданинг новбатдаги ўрими кечиктириб юборилмоқда. Табиий пичанзорлар ўтлоқ-ларидан ем-хашак тайёрлаш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган,

Силос иншоотлари қазишга ҳам эътибор берилмаётир. 347 квадрат метрдаги траншеялар ҳалигача ремонтдан чиқарилмаган. Бу фактлар шуни кўрсатадики, колхоз раҳбарлари бу йил чорва моллари қишловига ҳозирлик кўриш учун барча имкониятларнан тўлиқ фойдаланмаётирлар. Колхознинг бир неча гектар еридаги табиий пичанзорларидаги ўтлар ҳалигача ўриб олинмаган. Шунга қарамай бунга етарли аҳамият берилмаётир. Икки от сенокосилкасидан биттаси фойдаланилмасдан ётибди.

Колхоз раҳбарлари ем-хашак тайёрлашда йўл қўйилаётган бу бегамлик, ўзи бўларчиликка тезда барҳам беришлари керак.

Ғ. АҲМЕДОВ.

500 тонна силос тайёрланди

Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз правлениеси чорва қишловини намунали ўтказиш, етарли миқдорда ем-хашак базаси вужудга келтириш мақсадида бу йил 400 тонна силос бостиришни планлаштирган эди.

Колхоз аъзолари ана шу мақсада баландлиги 10 метр, кенглиги 5 метр бўлган иккита катта башня ва 8 та майда башнялар қуриб тамомладилар. Чорвадорларнинг ўз вазифаларига масъулият билан қараб, сидқидиллик билан меҳнат қилганликлари туфайли силос тайёрлаш плани муддатидан илгари ортиғи билан бажарилди. Маккажўхори поясі ва шираси ўтлардан 500 тонна силос тайёрланди.

Т. АЗИМОВ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

☆ **Гулистон.** Райондаги Молотов номли колхозда чорва моллариига ем-хашак тайёрлаш ишлари муваффақиятли ўтказилаётир. Колхоз правлениеси 1700 тонна силос бостиришни планлаштирган эди. 50 гектар ердаги маккажўхори ҳозирга қадар тўрт марта комплекс парваришдан чиқарилди. Колхозда маккажўхори ва бошқа ўтлардан силос бостириш ишлари ҳам қизитиб юборилиб, 800 тонна силос бостирилди. МТСнинг шу колхозда хизмат қилаётган механизаторларидан И. Ҳасанов, Ю. Маҳкамов каби ўртоқлар ем-хашак тайёрлаш ишларида актив қатнашмоқдалар.

Д. Содиқов, У. Бекмирзаев.

☆ **Янгийўл.** Райондаги Ленин номли йирик колхознинг аъзолари 475 гектар ердаги бедадан 2000 тоннадан кўпроқ ем-хашак тайёрладилар. Маккажўхори ва бошқа экинлар поясидан силос бостириш ишлари ҳам қизитиб юборилиб, 800 тонна силос бостирилди. МТСнинг шу колхозда хизмат қилаётган механизаторларидан И. Ҳасанов, Ю. Маҳкамов каби ўртоқлар ем-хашак тайёрлаш ишларида актив қатнашмоқдалар.

Д. Содиқов, У. Бекмирзаев.

☆ **Верхне-волинск.** Карл Маркс номли колхоз аъзолари 50 гектар ерга маккажўхори экиб, уни агротехника қоидалари асосида парвариш қилдилар. Улар яхши парвариш қилинган маккажўхоридан 500 тонна силос бостириш юзасидан олган мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун курашмоқдалар.

М. Даулбоев.

Сабзавот экинларидан мўл ҳосил етишмоқда

Коммунист Р. Рихсиев Тошкент районидаги «Сталинград» колхозида кўпдан буён бригада бошлиғи бўлиб ишламоқда. Аҳолини сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил бел боғлаган бригаданинг меҳнатсевар аъзолари бу йил 86,5 гектар ерга картошка, карам, бодринг, помидор ва полиз экинлари экиб, 1334 тонна маҳсулот топшириш мажбуриятини олган эдилар. Шу кунларда улар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этиш учун фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Колхозчилар учун барча шароитлар яратиб берилган. Бригадаларда кўчма ясли ишлаб турибди.

Коммунист М. Усмонов бошлиқ звено аъзолари 3,5 гектар ерга экилган эртаги карамнинг ҳар гектаридан 19 тонна ўрнига 22 тонна, Ҳ. Раймов звеноси эса гектаридан 10,5 тонна бодринг ўрнига 15 тонна ҳосил олиб, дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар.

Дастлабки муваффақиятларнинг қўлга киритилишида Н. Исаев, М. Усмонов ўртоқларнинг хизмати катта бўлди.

Ғ. КОДИРОВ.

Сут соғиш плани ортиғи билан бажарилди

Қуйи Чирчиқ район Димитров номли колхозининг чорвадорлари 187 бош соғин сигирдан пландаги 171 минг литр ўрнига 199 минг литр сут соғиб олиб, давлатга сут топшириш планини ортиғи билан бажардилар. Шу давр ичида ҳар бош сигирдан 1122 литрдан сут соғиб олинди. Илғор сут соғувчилардан Ан Соң Ай шу кунга қадар ҳар бир сигирдан 1733 литр, Хан Сора 1529 литр, Ли Мария 1472 литрдан сут соғиб олишга муваффақ бўлдилар.

Колхоз чорвадорлари 1 октябрга қадар яна планга қўшимча равишда бирнеча минг литр сут соғиб олиш учун ҳаракат қилиб, сигирларни яхши парвариш қилмоқдалар.

К. ПЕРШЕЕВ.

Сув ва сувчи

Сув келган жой, гуллаб-яшнайди. Чўл ҳам сувдан қўрқади. Асрлар бўйи инсонга бўйсунмай келган Мирзачўлни шу воҳадан ўтган канал халқимизга асир қилиб берди. Энди биз шу чўл бағрида боғлар, экинзорлар майдонини кенгайтириб бормоқдамиз.

Шаҳарда-ю сув ер тагидан оқади, қишлоқларга борсангиз ариқларда лиммо-лим оқаётган зилол сувни кўриб, ўзингизни енгил тортасиз. Сув марварид тошларни бир-бирига уриб, ўйнаб оқиб боради.

Сувнинг таърифи жуда узоқ. Келинглар ариқдан бир челак сув олиб, ҳовли саҳнига сепса, баҳри-дилингиз очилади ёки ҳовлингиздаги гулзорга кичкинагина ариқдан сув қўйиб юборсангиз, гулларнинг жилоси юзингизда барқ уради. Чоллар, кампирлар неваларига: «Сувни ифлос қилма, лойқатма» деб танбиҳ беришлари ҳам инсоннинг сувга бўлган ҳурматидан нишонадир.

Сув деҳқон меҳнатини рўёбга чиқарувчи бир омилдир. Шунинг учун ҳам деҳқонлар «сув—экиннинг қони» дейдилар. Қишлоқлардан қон томиридек бўлиб ўтган ариқларда оқаётган сувни поёнсиз далаларга бошлаб келувчи, уни қаторларга таровчи киши ўз меҳнати билан кўпчилик яратаётган бойликни кўпайтиради, экинни семиртиради. Колхозчилар, «бундай кишиларнинг қўли теккан экинда ҳосил мўл бўлади», дейдилар.

Мирзаахмад ота Шерматов ҳам қишлоқнинг шу хилдаги кишиларидан экан, шундай десак, эҳтимол отанинг меҳнатини камситган бўламиз. Сувчи экинларни яшнатувчи киши бўлса, ота шу кишиларнинг устози экан! Шунинг учун ҳам уни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Фахрий ёрлиқ билан мукофотлаган.

Ота сувчилик соҳасида чорак асрлик тажрибага эга. Шу давр ичида ота суғориш касбининг устаси бўлиб кетган. У, далага чиққанда ғўзанинг «сув керак» деяётганини ҳам, «сув зарур эмас» деяётганини ҳам бир қарашда билиб олади.

— Пахтага хумор одаммиз, — дейди ота,— уни бир кун кўрмасам, худди бир буюмини йўқотган кишидек бўлиб қоламан.

Колхозга борганимизда отани далада учратмадик. Бригада бошлиғи Ҳакима Мирзаалиева: «Ота бир оз бетоблар»,— деди.

— Нима қилибди отага?

— Билолмадим, иш бошимдан ошиб ётипти. Бориб кўра олмаганим учун ўзим ҳам уялаяпман,— деди бригадир.

Бригададагина эмас, колхозда, ҳатто районда энг илғор, уста сувчи ҳисобланган, фақат ўзи учун эмас, колхоз учун жон куйдирувчи, кексалигига қарамай, ҳалигача кетмонни қўлдан қўймаган ота бетоб бўлиб қолипти-ю, бригадир озгина вақт топиб, уни кўриб келмапти. Мана энди иш қизғин пайтда, айниқса ғўзани билиб суғориш керак бўлиб турган ҳозирги вақтда отанинг маслаҳати даркор бўлиб қолипти-ю, шундагина бормоқчи бўлипти бригадир. Биз шу фурсатдан фойдаланиб, бригадир билан отанинг уйига бордик. Ўрта бўйли, соқоллари қордек оппоқ мўйсафид ўрнидан сал қўзғалиб, бизни кутиб олди. Салом-аликдан кейин Мирзаахмад ота бўлган воқиани бизга сўзлаб берди.

— Кечаси сув қўйиб юрган эдим, нима бўлди-ю бирдан ўқ ариққа сув кўп келиб қолди. Шошилганча қулоқ бошига кетаётган эдим, оёғимни бир нарса кесиб кеттандай бўлди. Парво қилмадим, югурганча кетавердим; сувни ростлаб бўлгач, уватга ўтириб қарасам, оёғимдан қон оқаяпти. Ҳалиги «жиз» этганда тўпиғимнинг ёнини тунука кесиб кетган экан. Ҳеч нима қилмайди деб юравердим, орадан уч кун ўтгандан кейин оёғим шишиб кетди. Ҳозир ёмон эмас, доктор қараб турипти, тезроқ тузала қолса эди, ётавериб юракларим сиқилиб кетди, далага чиқардим...

Ота «далага чиқардим» деган сўзни айтганда унинг кўзлари чақнаб кетди, ғайратига чидай олмаётганлиги сезилиб турарди.



Гап орасида ота бригадирга қараб, «бир келиб-кўрай ҳам демадинг-а, қизим», деб гина қилган бўлди. Яна, «майли, ишинг кўп, ҳозир бригадирнинг даладан сал жилиши ҳам ишга зиён етказади», дея ўзини юпатди.

Бригадир ҳижолат тортди. У, отага ғўзаларнинг аҳволини гапириб берди. Шунда чол: «9 гектарли пайкални ким суғорапти?» — деб сўради. «Ҳозир у ерда Муқим ишлаяпти», — деб жавоб берди бригадир.

— Жуда яхши қилибсан. Муқим яхши сувчи, у суғорган ғўза яйрайди...

Муқим Зоитов Мирзаахмад отанинг энг яхши шогирдларидан. Отанинг бошқа шогирдлари ҳам бор. Файзиҳўжа Асомҳўжаев, Рустамжон сингари суғоришнинг тартиб-қоидасини жойига келтирадиган йигитлар жуда кўп. Ана шу кишиларга ота ўз касбини қунт билан ўргатаяпти. Уларга ҳамма вақт:

— Сув деҳқон учун энг зарур, унинг бир томчисини ҳам нобуд қилмаслик керак, — деб маслаҳат беради.

Бригадир ота иши жуда зарур эканлигини айтиб, отадан рухсат сўради.

— Майли, кетақол, қизим, йигитларга айтгин, сувга эҳтиёт бўлишсин. Ҳозир жуда нозик вақт, сувга олдириб ҳам қўйишмасин, чанқатиб ҳам қўйишмасин...

— Хўп бўлади, ота,— деди бригадир ўрнидан тураётиб, — ҳамма гапингизни айтаман...

— Яна бир нарсани унутибман, — деди ота, эшикка яқинлашиб қолган бригадирни тўхтатиб. — Хирмонга ҳам бир назар ташлаб қўйинглар. Бу йил сентябрь кирмай пахтага тушамиз, яна шошиб қолмайлик.

Бригадир хайрлашиб чиқиб кетди. Биз ота билан анчагача суҳбатлашиб ўтирдик. Кекса сувчининг айтишича қараганда, колхозда сувчиларга бўлган муносабат ҳали унча яхши эмас. Деҳқончиликдаги энг оғир ишлардан бирини бажарувчи сувчиларга қаҳ тўлашни тартибга солиш кераклиги тўғрисида ота узоқ гапирди.

— Мана, мени олиб кўрайлик, — деди у сўзида давом этиб, — ёшим 86 га кирди, колхоз мени ишлагин деяётгани йўқ, лекин ишламасам тура олмайман. Қаторга сув тараш осон масала, аммо ўқ ариқни созлаш, қатор бошларини сув қўйишга мослаш, эгат охирини бир кўриб чиқиш, энг қийини — чим келтириш, шуларнинг ҳаммаси сувчининг бўйнига юкланган, ҳақ тўлашга келганда айрим кишилар буни ҳисобга олишмайди, қулоқни очсангиз, сувнинг ўзи кетаверади, дейишади. Менингча, бу нотўғри.

Кеча ўғлим ўқиб берди, сувчилар тўғрисида қарор чиқипти. Менга жуда маъқул тушди. Тўғри-да, ҳали сувчининг ишини машина бажарадиган даражага етганимиз йўқ, охири бу иш ҳам енгилланиб қолади. Бироқ, колхозимиз раҳбарлари, хафа бўлишса ҳам айтиб қўяй, сувчига ғамхўрлик қилишмайди. Сувчилик— совуқчилик, вақтида қант чой ичиб турмасанг, ёғлиқ гўшт бўлмаса одамни йиқитиб қўяди. Тўғри, мен ўзимни қойитмайман, лекин колхоз раҳбарлари ҳамма нарса бўлатуриб «мана бу сувчилар учун» деб вақти-вақтида қант ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни бериб туришмайди.

Мирзаахмад ота звеноси 12 гектар пахта майдонига эга. Шу ерларнинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил олишга қарор қилинипти. Ҳозир, ғўза тупларида кўсаклар ўзини кўрсатиб қолган пайтда, шунчадан ҳосил олиш аниқ эканлигига ишонасиз. Звено аъзолари чопиқни, культивацияни жойига келтиришган, суғоришда бу звенодан ўтадигани йўқ, чунки энг уста сувчи шу звенога бошчилик қилаяпти. Бир-бирига киришиб кетган ғўза каторларига қўйилган ўрта қўлдек сув тупроқни намлаб, аста ўрмалайди, кун ўтиши билан ғўза тупларида кўсак кўпаяди, бу кўсаклар семиради.

— Сув—деҳқонинг йўлдоши,—дейди ота. — Биз унинг бир томчисини ҳам зойи кетказмаймиз, сувчилик касбимизни ҳурмат қиламиз. Мўл ҳосил олишда техникани бошқараётган кишилар билан бир хил кучга, обрўга эга эканлигимизни яхши биламиз.

* * *

Кеча фотомухбиримиз ота бошлиқ звенода бўлибди. У тузалиб, ишга чиқипти. Мирзаахмад ота ғўзаларга сув тараётганда бундай дебди:

— Бу йил пахта йили бўлди, ҳосилимиз мўл, биз ўз мажбуриятимизни адбатта бажарамиз.

С. МАҲКАМОВ,

Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхоз.

РУМИН САНЪАТИНИНГ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ РУМИНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИГА ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ТОПШИРИЛДИ

6 августда Москвада Катта Кремль саройида румин амалий, декоратив ва тасвирий санъатининг тарихий асарларини Румния Халқ Республикасининг ҳукумат делегациясига тантанали суратда топшириш маросими бўлди. Георгиевск залида партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, рассомлар, олимлар, ёзувчилар, архитекторлар, артистлар, СССР Маданият министрлигининг, СССР Ташқи ишлар министрлигининг, Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Бутуниттифоқ жамиятининг, СССР Бадиий академиясининг масъул ходимлари, Москвадаги бадиий музейларнинг ходимлари, совет ва чет эл журналистлари тўпландилар. Тўпланганлар орасида Руминиядан, шунингдек бошқа мамлакатлардан келган меҳмонлар бор эди.

Актни имзолаш маросимидан кейин СССР маданият министри Н. А. Михайлов нутқ сўзлади.

Бугун биз, деди у, бу ажойиб коллекцияни Руминия Халқ Республикасининг Ҳукумат делегациясига топширяётганлигимиз учун бахтиёрмиз. Қадрдон эрксевар румин халқининг ўзигина бу хазиналарнинг бирдан-бир хўжайинидир.

Ўртоқ Михайлов коллекция составидаги турли асарларни муфассал айтиб берди.

Н. А. Михайлов, шонли румин халқи ва унинг авангарди Руминия ишчи партияси яшасин, Совет Иттифоқи ва Руминия Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик яшасин, деди.

Руминия Ҳукумат делегациясининг бошлиғи академик Михаил Раля жавоб нутқи сўзлаб, Руминия Ишчи партияси, ҳукумати ва румин халқи номидан Совет ҳукуматига қизғин ташаккур айтди.

— Румин санъати асарларининг Руминияга топширилиши, деди у, нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини уқтирмасдан ўта олмаймиз. Бу асарларнинг топширилиши, биринчи галда, ташқи сиёсат ва бошқа халқлар билан муносабатлар соҳасидаги совет концепциясини яққол кўрсатиб турибди. Совет халқининг ўз хазиналари қандай авайлаб сақланган бўлса, бизнинг коллекциямиз ҳам шундай авайлаб сақланиб келди. Бир қанча сурватлар гоят моҳирлик билан реставрация қилинган.

Академик Михаил Раля Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раиси Стойка Кивунинг СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганинга ёзган мактубини ўқиб берди. Залда яна гулдурос, давомли қарсаклар бошланиб кетди.

Тантанали маросимда ҳозир бўлганлар румин санъати тарихий асарларининг Катта Кремль саройининг Георгиевский ва Владимирский залларида кўргазмага қўйилган намуналарини кўра бошладилар.

* * *

6 август кундузи, румин халқи бадиий асарларини тантанали топшириш тамом бўлганидан кейин, СССР Маданият министрлиги Катта Кремль саройида Руминия Халқ Республикаси Ҳукумат делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди.

(ТАСС).

СССР БИЛАН ЯПОНИЯ ЎРТАСИДА МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА СОВЕТ-ЯПОН МУЗОКАРАЛАРИ

СССР билан Япония ўртасида муносабатларни нормаллаштириш тўғрисида совет-япон музокаралари СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг биносида 6 августда давом эттирилди. Учинчи мажлис бўлди.

Музокараларда совет томонидан Совет делегациясининг Бошлиғи, СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Т. Федоренко, СССР Ташқи савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кумикин, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик, СССР Ташқи ишлар министрлиги Узоқ Шарқ Бўлимининг мудири И. Ф. Курдюков, шунингдек маслаҳатчилар ва экспертлар қатнашдилар.

Музокараларда Япония томонидан Япония делегациясининг Бошлиғи, Япония Ташқи ишлар министри М. Сигемицу, мухтор вакил С. Мацумото, Япония Ташқи ишлар министрлиги шартномалар бўлимининг мудири Т. Симода, Япония ташқи ишлар министрлиги Америка-Европа департаментининг маслаҳатчиси С. Хогэн, Японияниинг Швециядаги миссиясининг маслаҳатчиси К. Ниидзеки, шунингдек маслаҳатчилар ва экспертлар қатнашдилар.

Бугунги мажлисда томонлар СССР билан Япония ўртасида муносабатларни нормаллаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан фикр олишувни давом эттирдилар. Япония Ташқи ишлар министри ва СССР Ташқи ишлар министри территория масаласи юзасидан томонларнинг позициясини баён қилиб бердилар.

Эндиги мажлис 8 августда бўлади.

Атом ва водород қуролини тақиқлаш учун кураш юзасидан Японияда чақирилган халқаро конференция очилди

ПЕКИН, 6 август. (ТАСС). Токио радиоси қуйидаги хабарни эшиттирди. 6 август кечқурун Токиода атом ва водород қуролини тақиқлаш учун кураш юзасидан 2- халқаро конференция очилди. Конференцияда Япониядаги Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташланганига 11 йил тўлган кунда чақирилди. Конференциянинг ишида 15 мамлакат, шу жумладан Хитой Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи, Франция, Швеция, Польша, Англия вакиллари қатнашмоқдалар.

Конференция 20 минг киши сиғадиган халқаро стадионда очилди. Стадион трибуналари халқ билан лиқ тўлган эди. Конференцияни ташкил қилувчи комитетнинг раиси, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси Каору Ясуи йиғилганларга қарата кириш нутқи сўзлади. У атом ва водород қуролини тақиқлаш тўғрисидаги мурожаатга Японияда ва бошқа мамлакатларда имзо тўплаш кампаниясининг муваффақиятларига тўхталди. Ясуи, ялпи қирғин қуролини тақиқлаш учун бошланган ҳаракат пировардида турли мамлакатларнинг сиёсий арбоблари бу қуролни тақиқлаш чораларини кўришга мажбур этади, деб уқтириб ўтди.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда. 9 августгача конференциянинг мажлислари Токиода бўлади, 9 августдан 11 августгача Нагасакида ўтказилади.

Сувайш канали—Мисрники

„Миср халқи ўз қўли билан қурган канални эгаллаш учун қонуний ҳуқуққа эгадир“

ХХР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

ПЕКИН, 6 август. (ТАСС). Синьхуа агентлиги ташқи ишлар министрлиги информация департаменти вакили эълон қилган қуйидаги баёнот текстини билдирди:

Бош министр Чжоу Энь-лай 4 августда Пекинда чет эл мухбирлари билан қилган суҳбати вақтида хитой халқи Миснинг Сувайш канали кампаниясини национализация қилганлигини тамомила қўллаб-қувватлаганлигини аниқ-равшан айтди ва Миср ҳукумати каналда кемаларнинг эркин қатнаб туришини ҳозирдаёқ гарантия қилди, агар Англия билан Франция бу масалада ҳали ҳам бирон тарзда шубҳаланаётган бўлсалар, улар бу проблемани музокаралар йўли билан ҳал этишга интилишлари лозим ва улар қурол-кучи билан аралашишга уринмасликлари керак деб таъкидлаб ўтди. Қурол кучи билан аралашишдан иборат ҳар бир актта, деб илова қилди у, Осиё ва Африка халқлари ҳамда бутун дунё халқлари қаршилик кўрсатади, бундай акт барбод бўлади.

Бош министр Чжоу Энь-лайнинг баёноти шунчалик равшан эдики, уни нотўғри тушуниш каби ҳоллар ҳеч бўлмаслиги керак эди. Шунга қарамай, Франс Пресс агентлигининг 4 августда Лондондан олиб берган телеграммасида шундай деб даъво қилинадики, бош министр Чжоу Энь-лай «канални интернационализация қилишни аниқ-равшан ёқлаб чиққан» эмиш. Бу гап тамомила асоссиздир. Ҳақиқатда эса, мухбирлар бош министрдан Англия, Қўшма Штатлар ва Франция таклиф этган халқаро конференция тўғрисида ўз фикрини айтишни сўратанларида, бош министр Чжоу Энь-лай айтдики, уч давлат чиқарган ахборотга қараганда, бу халқаро конференция Миснинг суверен ҳуқуқларига доир масалаларни муҳокама қилишни мақсад қилиб қўяди, бунга сира йўл қўйиб бўлмайди.



Миср. Сувайш каналига кираберишда.
В. Сировотский фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

МИСР СОЦИАЛ ИШЛАР ВА МЕҲНАТ МИНИСТРЛИГИ ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

ҚОҲИРА, 6 август. (ТАСС). «Алахром» газетаси ёзади: Социал ишлар ва меҳнат министрлигининг расмий вакили айтдики, собиқ Сувайш канали компанияси ўз ҳаракатларида Миср ишчи ва хизматчиларини камситишга йўл қўйиб келди, ажнабийларни имтиёзли бир ҳолга қўйди. Мисрликлар қилиб турган ишни бажарган ажнабийлар кўпроқ маош олар эдилар. Улар учун мисрликларга қараганда яхшироқ уй-жой шароитлари яратиб берилган эди. Медицина хизмати ва социал хизматлар соҳасида ажнабийлар имтиёзлардан фойдаланар эдилар.

Компаниянинг бу хил ҳаракатлари, деди вакил, Миснинг миллий суверенитетига тўғри келмас эди. Сувайш канали компанияси давлат ичидаги давлат эди. Компания правлениеси Миср қонунларини тез-тез бузиб келди, Миснинг меҳнат ҳақидаги қонунларига риоя қилмади.

1955 йилда, деди вакил ўз сўзини давом эттириб, Миср ҳукумати мисрлик ишчиларнинг меҳнат шароитларини текшириш ва мисрликларнинг камситилишини тугатиш учун комиссия тузганида, компания правлениеси комиссиянинг ишига ҳалақит беришга ҳамма йўллар билан уринди.

Вакил айтдики, собиқ Сувайш канали компаниясининг Миср қонунларини бузганлиги тўғрисидаги материаллар ва ҳужжатлар Сувайш канали маъмурияти правлениесига топширилди.

МУҒУЛИСТОН ЖАМОАТЧИЛИГИ МИСР ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

УЛАН-БАТОР, 6 август. (ТАСС). «Унэн» газетаси «Мўғулистон жамоатчилиги Миср ҳукуматининг қарорини қўллаб-қувватламоқда» деган сарлавҳали мақоласида бундай деб ёзади: империалистик доиралар Миср ҳукуматининг Сувайш каналини национализация қилишига тўсқинлик қила олмайдилар. Миср халқи ўз қўли билан қурган канални эгаллаш учун қонуний ҳуқуққа эгадир. Канални национализация қилиш мисрликларнинг ҳаётини яхшилашга ёрдам бермоғи лозим.

Яман Миснинг Сувайш каналини национализация қилиш ҳақидаги қарорини қувватламоқда

ҚОҲИРА, 6 август. (ТАСС). Маҳаллий радио эшиттирган хабарга қараганда, кеча Қоҳирага келган Яман валиаҳди шоҳзода Амир Сайфулислом Албадр баёнот бериб, Яман ҳукумати ва халқи Миснинг сиёсатини ва унинг араблар осойишталиги манфаатларини кўзлаб кўраётган тадбирларини тамомила қўллаб-қувватламоқдалар деган. У ўз сўзига илова қилиб Дамашқдан жўнаб кетиш олдидан Сурия президенти Шукри Қувватли билан учрашганлигини ва унинг билан Сувайш канали компанияси национализация қилинганлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилганлигини айтган. У, Дамашқда бўлган вақтида Сурия халқининг ва ҳукуматининг Миср халқи билан тўла бирдамлигига ва Миср ҳукуматининг қарорини маъқуллаганликларига ишонч ҳосил қилганлигини билдирган.

ИРОҚ МИСРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

БАЙРУТ, 6 август. (ТАСС). Ливан матбуотининг хабарига қараганда, Ироқ ҳукумати Сувайш канали компаниясини национализация қилиш масаласида Миснни қўллаб-қувватлаганлигини расмий равишда айтган. «Ироқ ҳукумати, — дейилади Бағдодда эълон қилинган ахборотда, — Миснни ўз шон-шарафи, суверенитети ва мустақиллиги учун курашда қўллаб-қувватламоқда.

ДУҚ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЛОНДОН, 6 август. (ТАСС). Матбуотда босилган хабарларга қараганда, Англия харбий-денгиз кучларининг «Тисиес» ва «Бўлварк» деган икки авианоси Портсмутдан Ўрта денгизга жўнаб кетган. «Тисиес» авианосида самолётлар билан бир қаторда алоҳида авиадесант бригадаси ҳам бор. Рейтер агентлигининг Англия харбий министрлиги баёнотига асосланиб айтишича қараганда, бу авианослар «Ўрта денгизнинг шарқий қисмида Англиянинг позицияларини таъминлаш ниятида эҳтиёткорлик чораси» сифатида юборилган. Газеталарнинг кўпчилиги бу тадбирни Сувайш канали масаласида Миср ҳукуматига тазйиқ қилиш учун кўрилган тадбир, деб ёзмоқда.

Кўпгина буржуа матбуот органлари Сувайш каналининг национализация қилинганлиги ҳақидаги масала муносабати билан асабийлик вазиятини сунъий равишда кучайтиришга ва ҳақиқатда каналда кемаларнинг эркин қатнаб туришига аслда ҳеч қандай ҳавф йўқлиги каби фактдан жамоатчиликнинг эътиборини четга тортишга интилиб, Миср ҳамон ҳужум ва дўқ қилмоқдалар. Бироқ баъзи таъсирли газеталар бу пропаганда кампаниясини қораламоқдалар. «Манчестер Гардиан» газетаси ёзадики, ҳеч бир асос бўлмагани ҳолда Миср қарши зўравонлик чораларининг кўрилиши агрессия акти бўлур эди ва Англия учун оғир оқибатларга олиб келган бўлур эди.

Газета, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави халқаро ихтилофларни ҳал этишда куч ишлатишни тақиқлайди, деб эслатиб ўтади.

«ИНДОНЕЗИЯ МИСРДАН ЎРНАК ОЛИШИ ЛОЗИМ...»

Картавинатанинг баёноти

ЖАКАРТА, 6 август. (ТАСС). Антара агентлиги хабар беради: Индонезия парламенти раисининг ўринбосари, Индонезия мусулмон иттифоқи партиясининг раҳбари Аружи Картавината Миср ҳукуматининг Сувайш каналини национализация қилиш тўғрисидаги қарорини шарҳлаб, уни «гоят муҳим тарихий воқиа» деб атади, «бу воқиа умуман бутун халқаро аҳволга жуда катта таъсир кўрсатади» деди. У, Миснинг бу қарорини Осиё ва Африка халқлари, шунингдек бутун дунёдаги тинчликсевар халқлар қўллаб-қувватлайдилар деб ишонганлигини айтди.

Картавината дедики, Индонезия ҳукумати Мисрдан ўрнак олиши ва Голландия билан «Думалоқ стол» конференциясида тузилган битимларни бекор қилиш кетидан энг муҳим кемачилик кампанияларини, плантацияларни ва кончилик-руда корхоналарини национализация қилиши лозим.

МИСР ВА СУРИЯ ҲУКУМАТЛАРИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

ҚОҲИРА, 7 август. (ТАСС). 6 август кечқурун Миср ҳукуматининг мажлиси бўлди. Мажлис уч соат давом этди. Қоҳира радиоси эшиттирган хабарга қараганда, мажлисда Миснинг Лондонда бўладиган конференцияга таклиф қилинганлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган.

Радио хабарида айтилишича, Дамашқдан олинган хабарга қараганда, Дамашқда ҳам Сурия президенти Шукри Қувватли раислигида ҳукуматнинг мажлиси бўлган. Бош министр Сабри Асалий ва ташқи ишлар министри Салоҳиддин Битар Миср президенти Носирнинг Сурия президентига ёзган мактубининг мазмуни билан ҳукумат аъзоларини таништирганлар. Мактубда Сувайш канали масаласи юзасидан Лондонда чақирилмоқчи бўлаётган конференция ҳақида Миснинг позицияси баён қилинган.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

„Оқ тош“ санаторийсида

Оқ тош—уч томони сердарахт баланд тоғлар билан ўралган, ҳавоси тоза, зилол сувлари тиниқ, соя-салқин, чамандек водийдаги тоғлик қишлоқнинг номидир. Тоғ бағирларида азамат қоматларини кўкка чўзган оқ тошлар кўп бўлгани учун бу қишлоқнинг номи Оқ тош деб аталган. Совет ҳокимияти йилларида бу ерда кон очилиб, оқ тошлар ишга солинди. Бу тошларнинг саноат учун муҳим аҳамияти бор.

Биз таъриф қилмоқчи бўлган санаторий ана шу қордек оппоқ тошлар билан қопланган баланд тоғларнинг этагида жойлашган.

Оқ тошнинг гўзал манзараси киши диққатини беихтиёр ўзига тортади. Турли-туман дарахтларнинг баргида гард йўқ, улар доим эсиб турадиган майин ва дилхуш шабада силкиниб, саҳий офтобда товланиб ялтирайди, тоғ гиёҳларининг ҳушбўй ҳидлари майин шабада билан дамба-дам думоққа урилади. Бу шифобахш санаторийни «булбуллар макони» деб атайдилар. Бу рост. Санаторийнинг икки ён бошидаги қалин дарахтзор, мевазорларда беадад булбуллар яшайди. Ана шу булбуллар илк тонгдаги ёқимли қўшиқлари билан кишини мафтун этадилар...

Мана шу илҳомбахш тонглардан бири... Бу оромбахш тонгда соф ва салқин шабада гир-гир эсади. Бу ажиб кўркам тонг ҳақида гўё булбуллар бир-бирига хабар бергандек, у шоҳдан бу шоҳга, бундан нарисига ўтиб, чақ-чақлашиб сайрашади. Булбулларнинг ҳуш овозлари дам олувчиларга ҳузур бағишлайди. Ҳув, ана бир жуфт оқ каптар кўм-кўк тоғ бағирлаб учмоқда, ўша учишда бир-бирига ғув-ғувлашиб гўё достон ўқиб бормоқда. Санаторийнинг қоқ ўртасидан ўтган анҳордаги сув тошдан-тошга урилиб, кўпириб оқмоқда. Унинг тиниқлиги кўзни қамаштиради. Бунда қурилган санаторий корпуслари, пионер лагери палаткалари, ишчи хонадонларида ҳаёт қайнай бошлайди.

Эрталабки соф ва салқин ҳавода сайр этиб юриш томирлари увишган қонларни қизғин ҳаракатга келтиради, бадан яйрайди. Ўзингни кечагидан соғлом, тетик сезасан, қувончларга тўлиб-тошасан.

Меҳнатсевар одам она-Ватан бағрида иззат-ҳурматда. Унинг кўнглида битмас-туганмас шодлик, хурсандлик мавж урмоқда. Бир эмас, балки 200 дан кўпроқ дам олувчининг ҳаммаси ана шундай хурсанд. Дам олувчиларга врач, ҳамшира ва ходимлардан 50 га яқин киши бажонидил хизмат қилмоқда. Врачлар баъзиларни электр нури, баъзиларни дори-дармон, баъзиларни жисмоний машқлар билан даволайдилар. Баъзилар: «қуёш, сув, ҳаво—бизнинг дўстимиз», — дейишиб соф ҳавода, қуёш нурига қона-қона саёҳат қилади, баланд тоғлардан ҳайқириб тушган сувларда ювинади, чўмилади, шифо топади.

Шифобахш санаторийнинг кенг бағри меҳр, шафқат билан лиммо-лим... санаторий икки йил миёнасида икки мингдан кўпроқ ёш-қарига ўз бағридан жой берди. Касалларнинг дардига малҳам бўлди, чарчаганларнинг хордуғини чиқарди, уларга янгидан-янги куч-қувват бахш этди. Турли ёш, турли касб, турли миллат вакиллари санаторийнинг шафқатли бағрида яйраб дам оладилар. Улар бир ота, бир онанинг фарзандидай ҳаҳил. Улар иззат-ҳурматда...

Ана, каттақўрғонлик ишчи Василий Богомолов фарғоналик тўқувчи Водиров билан шахмат ўйнамоқда. Ҳув, нариги томондаги гулзор ёнига қўйилган скамейкада гиждувонлик Карам Зокиров китоб ўқиб ўтирибди. Яккабоғлик слесарь Жонзоқов билан наманганлик кекса ўқитувчи Отамирзаев эса иккинчи ошёнанинг нақшин айвонидаги юмшоқ диванда суҳбатлашиб ўтиришибди. Булар турли-туман дарахтлар ўсган кўркам тоғ манзарасини завқ билан томоша қилмоқдалар.

Шўх оқаётган сув бўйидаги соя-салқин тол тагида тўшалган қип-қизил гилам устида давра олиб ўтирган ҳордиқчиларнинг суҳбати авжида. Суҳбатдошларнинг ҳар бири бир нарса айтмоқчи...

— Андижонлик Мамбетов нимжонликдан қутилиб тўлишиб кетибди,—дейди аллаким сўзга аралашиб.—Бекободлик Алексей Романов бўлса, саккиз килограммча семирибди.

— Анави Нина Дубровскаяни айтмайсизми... Унинг этига салкам ўн килоча ят қўшилибди.

— Азиз биродар,—дейди Юқори Чирчиқ районидан келган тракторчи Мавлонова,—санаторийга келган кўн киши ўз дардига шифо топиб кетмоқда. Мана, кичик бир мисол: Қизил ўрдалик темир йўл ишчиси Дўсқулов санаторийга касалманд ҳолда келган эди. У тез кунда соғайиб, қайтиши олдидан ёшлар билан танцага тушди.

Бундай қувончли мисолларни кўплаб кўрсатиш мумкин.

Қисқаси, бу ерда дам олувчи ва даволанувчилар учун ҳамма шароит яратиб берилган. Санаторий ходимлари (бош врачи ўртоқ Р. Қиргизбоев) бу ерга келувчи ҳар бир совет кишисининг яхши дам олиб, ҳордиқ чиқариши, ўз дардига даво топиши учун жонкуярлик қилмоқдалар. Ҳар бир врач ва ҳамшира дам олувчига ғамхўр онадек. Ҳамманинг кўнгли хушнуд.

Санаторийдаги «Таклиф ва истаклар» дафтарини варақлаймиз. Унда турли касбдаги кишиларнинг миннатдорчилик билдирган ва истаклар изҳор қилган чин юрак сўзларини ўқиймиз. Тошкентдаги Ильич номли заводнинг илғор слесари Ҳамидов ва Ғиждувон МТСнинг механиги Собиров ўртоқлар бундай деб ёзадилар:

«Биз «Оқ тош» санаторийсида бўлганимиздан жуда мамнунмиз. Санаторий ходимлари барчага баравар яхши хизмат кўрсатишди. Биз бир томондан бу ернинг об-ҳавосидан яхши фойдаланган бўлсак, иккинчи томондан, санаторий ходимларининг меҳрибонлик билан қилган хизматидан мамнун бўлдик. Биз яхши дам олиб, кўп янги куч тўплаган ҳолда қайтаётирмиз».

Меҳнатсевар совет кишисининг яйраб дам олиши ва даволаниши йўлида қилинаётган ғамхўрлик ва меҳрибонликни сўз билан айтиб адо қилиб бўлмайди.

Бу чинакам ғамхўрликни кўрган ҳар бир киши жонажон Коммунистик партиядан ва Совет ҳукуматидан абадий миннатдор.

«Оқ тош» санаторийси жойлашган Тошкент область, Бўстонлиқ райони республиканинг хушманзара жойларидан биридир. Бу районнинг, шу жумладан «Оқтош» санаторийсининг истиқболи катта ва порлоқдир. Яқин келажакда бу тоғлик район территориясида ҳозир ишлаб турган бирнеча санаторий, дам олиш уйи, пионер лагерларидан ташқари яна ўнларча шифохоналар барпо этилади. Бу район яқин келажакда пахта макони — Ўзбекистон меҳнаткашларининг бундан ҳам обод оромбахш жойига, дам оладиган, даволанадиган кўркам водисига айланади.

«Оқ тош» санаторийсининг иқлими астма ва бронхит касалликларини даволашда жуда яхши натижалар бермоқда. Уни бутун йил давомида ишлайдиган санаторийга айлантириш, бунинг учун қиш шароитига мос бинолар қуриш режасини тезроқ амалга ошириш, даволаш кабинетларини яхшилаб ускуналаш ва кенгайтириш, санаторий территориясини янада обод қилиш, янги-янги гулзорлар барпо этиш, манзарали дарахтларни кўплаб экиш, шифоли булоқ сувларини кўпайтириш, ободончилик ва маданий-оқартув ишларига эътиборни бундан ҳам кучайтириш керак.

Бунинг учун область партия ва совет, ташкилотлари, соғлиқни сақлаш органлари санаторий ишларига эътиборни кучайтиришлари, санаторийни янада яхши қилишда унинг коллективига ёрдам беришлари зарур. Шундай қилинганда довруғи ошаётган «Оқ тош» санаторийси меҳнаткашларнинг ҳақиқий шифохонасига айланади.

Мирзачўлдаги ерларнинг бир қисмини ва Бўстонлиқ районининг қардош қозоқ халқидан Ўзбекистон республикасига берилганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети иккинчи сессиясининг қатнашчиларидан азиз қозоқ халқига ёзилган мактубда қуйидаги сўзларни ўқиймиз:

«Сизлар тухфа қилган ерларда биз янги совхозлар, колхозлар тузамиз. Бу ерларда пахтазорлар яна ҳам яшнаб кетади, боғ-бўстонлар ва узумзорлар яшил бахмал бўлиб қопланади. Бу ерларда янги мактаб бинолари ва шифохоналар қад кўтаради».

Бу ваъда амалга оширилмоқда! Ўзбек халқининг сўзи билан иши бир, ваъдаси қатъий!

Т. МУМИНОВ,
Н. МАҚСУДОВ.

ТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/VIII да **Оққуш кўли.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/VIII да **Нурхон**, 9/VIII да **Зафар.**

ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИДА — 8, 9, 10/VIII да янги спектакль **Сирли сандиқ.** Спектакль эрталаб соат 11 да бошланади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун янги Австрия бадиий фильми **Юрак жим турмоғи лозим.**

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Юрак жим турмоғи лозим**, кеч соат 8-20 минутдан **Таъқиб.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Ёш гвардия** (1-серия), кундуз соат 12 дан **Таъқиб.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Юрак жим турмоғи лозим**, кеч соат 10 да **Таъқиб.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», «УДАРНИК», «ИСКРА» (Кафанов номли парк) — **Юрак жим турмоғи лозим.**

«ВАТАН», «ХИВА» — **Таъқиб.**

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА ПРЕМЬЕРА
Д. Обер музикаси
ФРА ДЬВОЛА
3 пардали опера.
Коллектив заявкалар қабул қилинади.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА 1955/56 ЙИЛ МАВСУМИНИНГ ЁПИЛИШИ

СЎНГГИ СПЕКТАКЛЛАР

8/VIII да—**Оққуш кўли.**
9/VIII да — С. М. Киров номли Ленин орденли Ленинград давлат опера ва балет театрининг солисти А. И. **Леушкининг хайрлашув гастроли—Русалка.**
10/VIII да—Спектакль алоҳида эълон қилинади.
11/VIII да—Янги спектакль **Шўрали.**
12/VIII да кундуз—**Марварид қидирувчилар.**
12/VIII да кечқурун—Спектакль алоҳида эълон қилинади.
13/VIII да—Янги спектакль **Шўрали.**
14/VIII да—**Гулсара.**
Кундузги спектакллар соат 12 да, кечки спектакллар соат 8 яримда бошланади. Коллектив ва якка заявкалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ АВТОБУС ПАРКИГА
автобусларда ишлаш учун I ва II **класс шоферлари КЕРАК**
Мурожаат учун адрес Луначарское шоссе, 46 уй.

Тошкент шаҳар, Бешёғоч кўча, 72-уйда турувчи **Ҳалима Холматованинг** Саттор Холматовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 03795. «Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1495.